



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 32-33
(903)
2024 йил
22 август,
Пайшанба

Ўзбекистон-Қозоғистон:

МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ФОРМАТДАГИ РИВОЖЛАНИШ КУЗАТИЛМОҚДА

Мангуришта

Халқимизда “Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди”, деган биродарлик, жипслик, яхши қўшничилик каби мақсадларга ундовчи нақл бор. Дарҳақиқат, ўзбек ва қозоқ халқининг томири тулаш, анъаналари уйғун, чегарадош бўлган қўшнилар саналади. Икки мамлакатнинг тинчтотувлиги, иқтисодий барқарорлиги доимо стратегик аҳамият касб этиб, бугунги Марказий Осиё минтақасидаги тараққиётни мустаҳкамлаб бормоқда.

Жорий йил 7 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига кўра давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлди. Ушбу олий даражадаги учрашув янги форматдаги савдо-иқтисодий шериклик, яхши қўшничилик асосидаги конструктив ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириди. Минтақавий хавфсизлик сиёсатини кўллаб-куватлаш, самарали инвестицияларни кенгайтириш, темир йўл, транспорт-коммуникация, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидағи алоқаларни инновацион ривожлантириш бўйича музокараларга бой бўлди.

Индустрисал саноат қўлами кенгайиб, экспорт салоҳияти ошиб бораётган мамлакатимизда чегаралар орқали транзит ўтказувчанликни яхшилаш, транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан икки мамлакат ўртасида темир йўл, автомобиль йўллари, аэропортлар ва божхона расмийлаштирув пунктлари модернизация қилиш кўриб чиқилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЯКДИЛЛИК – ТАРАҚКИЁТ ТАНТАНАСИ

Фаолиятнинг икки қаноти бўлади, бири ташаббускорлик бўлса, иккинчиси ташкилотчилик. Ана шу қўшиқанотлик фаолиятга мезон бўлса, мамлакатнинг равнақи, халқнинг фаровонлиги ҳақида баралла гапирса бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг куни кечга Қорақалпоғистонга ташрифи пайтида ана шу уйғунлик ва муносабатларнинг гифодасини кўриш мумкин. Яқдиллик мақсадларнинг муштараклигидир. Оғизбирлик ахиллик, дўстлик, энг муҳими, тинчликнинг таяничи, элларнинг қувончи.

(Давоми 11-саҳифада)



ҲАМЖИҲАТЛИКДАН
ЮҚСАЛИШ
САРИ

Муштарак мақсадлар

Марказий Осиё минтақаси асрлар давомида ягона геосиёсий ва маънавий макон сифатида шаклланган худуд бўлиб, Буюк Ипак йўли ва бутун Евроосиё тарихида ҳал қилувчи куч бўлиб келган. Бу худуд табиий ресурслари, инсон капитали, маданий ва тарихий меросга бой минтақа сифатида бошқа минтақалардан фарқ қилиб келган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Ушбу ташрифнинг алоҳида хусусияти шундаки, бунда минтақавий интеграциянинг институционал кўринишлари ҳамда унинг янги инновацион ёндашувлари билан ажralиб туради. Бу эса, Марказий Осиё мамлакатлари тараққиётнинг бирдамлиги, ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қиласиди.

Ушбу ташриф доирасида ўзига хос жиҳат: Остона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг «Олтин Қирон» (“Олтин бургут”) ордени билан тақдирланиши бўлди. Бу тақдирлаш давлатимиз раҳбарининг минтақада ва халқаро миқёсида илгарисураётганинсонпарварлик ғояларининг ширин мевасидир.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон-Қозоғистон: муносабатларда янги форматдаги ривожланиш кузатилмоқда

(Бошланиши 1-саҳифада)

2021 йил январь ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўргасида ўзаро сайджлик оқимини кўпайтиришга оид «Йўл харитаси» туризм инфраструктузилмаларини ривожлантиришга асос бўлди. Замонавий иқтисодигётнинг драйвери бўлган минтақавий сайёхлик оқимини кўпайтириш чора-тадбирлари мамлакатимизга қозоғистонлик туристлар оқимини оширеди. Кўшни давлатдан юртимизга келаётган сайёхлар сони 2021 йилдан буён уч-тўрт бараварга ошиди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббускорлиги, фавқулодда прагматик дипломатик сиёсий иродаси икки давлат халқаро сиёsat майдонида инвестициявий, стратегик ва экологик масалаларда БМТ, ШХТ, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни куткариш халқаро жамғармаси ва бошқа ташкилотларда кўллаб-куvvatlanmoқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқинлиги иттифоқдошликтининг ёрқин намунасидир.

Таққослаш учун...

Янги Ўзбекистон давригача ўтган вақтни бугун билан атрофлича таққослаб ўтсан, кўп миллиатли, демографик ўсиб бораётган халқимиз манфаатларини кўзлаган ҳолда минтақавий улкан ислоҳотлар натижасини кўришимиз мумкин.

Масалан, статистикага кўра, 2013 йил якунлари бўйича Қозоғистон ва Ўзбекистон ўргасидаги ўзаро савдо ҳажми 3,244 млрд. доллар бўлган, 2023 йилда Ўзбекистонда ташки савдо айланмаси (ТСА) 62,6 миллиард долларни ташкил этиб, сўнгги йилларда ўзаро савдо айланмаси кескин ўсиб 4 миллиард доллардан ошиди.

Олий даражадаги музокараларда президентлар ўзаро икки мамлакат савдо айланмасини 10 миллиард долларга етказиш бўйича келишувга эришди. Икки даврни солишигасак, шу вақтда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўргасидаги иқтисодий

ўсиш тақрибан 4 баробарга фарқ килиб, юқори иқтисодий кўрсаткичларни кузатиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам сўнгги етти йиллик Янги Ўзбекистон феноменида революцион ўзгаришларга юз тутишди. Кўшни давлатлар билан очик, конструктив ривожланиш бўйича дўстона алоқаларни тиклаш, чегараларни делимитация, демаркация қилиш бўйича самарали ва амалий саъй-харакатлар олиб борди. Индустрисал саноатда интеграциялашиб бўйича олиб борилган самимий муносабатларда Марказий Осиё минтақаси бир ёқадан бош чиқариб тарақкӣ эта бошлади.

Товар ва хизматлар

Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон бугунги кунда дунёнинг 198 та давлати билан савдо алоқаларни ўрнатган. МДХ давлатлари ва бошқа хорижий давлатлар орасида 2023 йилда Ўзбекистоннинг товар ва хизматлар экспорти бўйича асосий қардош ҳамкорлари орасида Қозоғистон (5,6 фоиз), Туркия (5,1 фоиз) Афғонистон (3,5 фоиз), Кирғизистон (2,6 фоиз)га ўсган.

Импорт бўйича оладиган бўлсак, 2023 йилда 38,1 миллиард долларни ташкил этиб, 2022 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатлари 24 фоизни ташкил этди. 2023 йил якуннига кўра Ўзбекистонга дунёнинг 179 давлатидан товар ва хизматлар импорт қилинди. Импортнинг учдан икки қисмидан кўпроғи Хитой (29,5 фоиз), Россия (17,2 фоиз), Қозоғистон (7,9 фоиз), Корея Республикаси (6 фоиз), Туркия (4,9 фоиз) ва бошқа мамлакатлар каби йирик ҳамкор давлатларга тўғри келади.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, бугунги кунда Ўзбекистонда 1250 дан ортиқ Қозоғистон корхонаси, Қозоғистонда эса ўзбек капитали иштирокида 1400 дан ортиқ компания фаолият кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, 1250 та Қозоғистон капитали иштирокида корхоналар ташкил этилиши айтишга осон, мазкур корхоналар халқимиз фаронлиги, ёшларимиз учун муқим иш ўринлари ва мамлакатимиз ташки айланмасининг гаровидир.

Ташрифнинг яна бир муҳим

жихати, музокара иштирокчилари қатор товарлар транзити ва уларни ташиш бўйича бир-бирларини қониқтирадиган тарифлар ишлаб чиқиши ҳақида келишиб олдилар. Транспорт соҳасида томонлар юк авиааташувларининг очилиши, пасажир рейсларини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражадаги учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев таклифига кўра давлат ташрифи билан Остона шахрига борганда, Марказий Осиё давлатлари президентлари ташаббуси билан Қозоғистон Республикасининг «Олтин Қирон» ордени билан тақдирланди.

Бугун...

Икки мамлакат ўтган даврда савдо иқтисодий шерикликда вақт ва масофа имкониятларидан кенг фойдаланиб, товар айирбошлиш ҳажмини икки, кўшма корхоналар сонини беш баробар кўпайтириди. Навбатдаги музокараларда логистика ҳажмини янада ошириш, йирик кооперация лойиҳаларини кенг кўламда ташкил қилиш фикри илгари сурилди. Бу борада кадрлар тайёрлаш қўшма дастурларини кўриб чиқиши мақсадида олий даражадаги учрашувда давлат етакчилари томонидан 2034 йилга қадар дастури кўриб чиқилди.

Йўналтирилган сармоялар энергетика, транспорт ва логистика, металлургия, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида худудлар ўргасидаги лойиҳаларга ажратилиши билан кўшимча қўймат яратишда тарихий қимматга эга.

Икки давлат раҳбарлари бир қатор истиқболли дастурлар, жумладан, Сирдарё вилоятида Халқаро саноат кооперацияси маркази қурилиш, йирик лойиҳаларни молиявий кўллаб-куvvatлаш мақсадида Кўшма инвестиция жамғармасини ташкил этиш, транзит юк ташиш учун куляй шароитларни таъминлаш, кўшма логистика мажмуаларини қуриш каби масалаларда музокаралар олиб борди.

Зеро, Қозоғистон ва Ўзбекистон



ўргасидаги темир йўли Марказий Осиёда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу йўл нафақат икки мамлакат ўргасидаги транспорт алоқаларини таъминлайди, балки Буюк ипак йўлидаги улкан иқтисодий ҳамкорликни ҳам кучайтиради.

Минтақадаги темир йўл коридори самарасида кейинги йилларда иқтисодиётимиз фаол ривожланиб юк ва йўловчилар ташиш ҳажми ошиб, темир йўл бу жараёнда муҳим рол ўйнамоқда.

Икки давлат етакчилари томонидан Қозоғистон ва Ўзбекистон Хитой ва Европа ўргасидаги транспорт йўналишлари учун муҳим транзит давлатлар хисобланиши хисобга олиниб, янги темир йўллар қурилиши ва мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш ишларини жадаллаштиришга келишилди.

Яна бир жиҳатга эътибор қартиш мумкини, Ўзбекистон ва Қозоғистон Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқариш бўйича минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилмоқда. Қамбарота ГЭС-1 қурилишини тез фурсатда амалга оширишга худудлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятни тақдим этиш баробарида, иккала томон соҳалар бўйича олий таълим орқали малакали муҳандис кадрларни мос равишда тайёрлашга интилади.

Сув ресурсларидан фойдаланишда адолатни таъминлаш, ирригация тизимларини модернизация қилишга қаратилган чора-тадбирлар халқларимиз учун бирдек манфаат келтиради.

**Шерзод КУРБОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ходими,
эксперт**

ҲАМЖИҲАТЛИКДАН

ЮҚСАЛИШ САРИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Қолаверса, бундай юқсак мукофот икки халқнинг кўп асрлик чинакам дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларга берилган баҳо, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозогистон муносабатларини янги тарихий босқич — стратегик шерилик ва иттифоқчилик даражасига олиб чиқиш сари муштарак интилиш ҳисобланади.

Дўстлик ва қардошлик ришталарининг ёрқин рамзи

Ўзбек ва қозоқ халқлари — бир-бирига яқин, қардош халқлар. Адабиётимиздаги уйғунлик эса бизларни янада яқинлаштирумокда. Дарҳакиқат, 2020 йилда марҳум қозоқ шоири Несипбек Айтуди Алишер Навоийнинг энг муҳим асари — «Хамса»ни қозоқ тилига таржима қилиб, нашр этди ва ушбу китобга сўзбошини шахсан Қозогистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ёзган эди. Бу бебаҳо мөрор нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё томонидан тан олинган. Бу мутафаккир асарларини ўқиши, ўрганишга интилиш ўз давридан то ҳозиргача давом этмоқда. Остона шахрида ўзбек халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалиниң тантанали равиша очилиши эса, Навоий меросини икки халқ учун аҳамияти юқсак эканлигини ифода этди. Давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатиш ташаббуси учун самими миннатдорлик билдириб, Қозогистон пойтахти марказида муҳташам ёдгорлик бунёд этилгани қозоқ халқининг қардош Ўзбекистонга бўлган чуқур ҳурматининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади. — Буюк файласуф ва инсонпарвар шоир Алишер Навоийнинг ижодий мероси нафақат ўзбек халқига, балки бутун дунёга тегишли ноёб бойлиқдир. Навоий асарлари XVI асрдаёқ итальян ва немис тилларига таржима қилинган бўлса, бугунги кунда дунёning дебарча тилларида янгратмокда. Асрлар давомида ҳаётнинг ўзига хос энциклопедияси бўлган унинг ижоди миллионлаб инсонларни ҳайратга солиб, руҳлантириб келмоқда, — деди Ўзбекистон Прези-

денти.

Қолаверса, Абай Қўйонбоев Шарқнинг бошқа буюк шоирлари қатори Алишер Навоийни ҳам ўзининг устози деб билиши ҳам икки халқнинг абадият, дўстлик, муҳаббат ва садоқат бирлаштириши, тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг рамзи сифатида қаралади.

Минтақада амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куни Остона шахрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этди.

Қозогистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигига ўтган тадбирда Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедов, шунингдек, фахрий меҳмонлар сифатида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, минтақада кўп киррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, сиёсий мулокотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика, кишлок хўжалиги ва экология соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш, шунингдек, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши чора кўриш масалалари муҳокама килинди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида минтақада бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, кўп киррали ҳамкорликни кенгайтириш борасида — Минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш ва узок муддатли шерилик кун тартибини бойитиш учун Маслаҳат учрашуви форматини янада такомиллаштириш масалаларини биргаликда кўриб чиқиш вақти келганлигини эътироф этди. Шу сабабли, ушбу масалалар юзасидан концептуал тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш учун Марказий Осиё эксперт форумининг



навбатдаги йиғилишини мамлакатимизда ўтказишини таклиф этди.

Ушбу учрашувода давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев дунёдаги ҳозирги вазиятга тўхталиб, Марказий Осиё ўзининг геосиёсий жойлашуви туфайли глобал ишонч инқизози ва можаролар кескинлашувининг барча салбий оқибатларини бошидан кечираётган бир пайтда “Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш”ни таклиф этди.

Узок муддатли истиқболга мўлжалланган иқтисодий шериликни ривожлантириш Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишига хизмат қилишини эътироф этди. Бу эса, минтақада миллий иқтисодиётни ўзаро бир-бирини тўлдиришига, бошқача айтганда Ягона минтақавий бозорни шакллантиришга хизмат қиласи. Бу ўз-ўзидан Марказий Осиё минтақасида интеграцияни сиёсий-хуқуқий асосларини яратишга олиб келади.

Навбатдаги муҳим ташаббус Ўзбекистон Президенти томонидан Парламентлараро форумни келгуси ойда Хива шахрида ўтказишини таклиф қилди. Бу эса истиқболда минтақа мамлакатлари парламентлари ўртасидаги самарали алмашинувларни ривожлантиришга хизмат қиласи.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалаларига тўхталар экан, давлатимиз раҳбари “маданий-тариҳий мероснинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда «Марказий Осиё тарихи ва маданийи: ягона ўтмиш ва умумий келажак» ҳалқаро медиа платформасини иш туширишни илгари сурди. Бу ўз навбатида, ҳалқларимизнинг минтақа келажаги учун даҳлдорлиги, бирдамлиги, умумий масъулиятни англашга драйвер вазифасини ўтайди.

Шунингдек «Марказий Осиё ёшлари кун тартиби – 2030»ни илгари суриши минтақада инновацион фоялар ва лойиҳаларни амалга

оширишига хизмат қилиши таъкидланди. Ҳатто, жорий йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида биринчи Марказий Осиё таълим форуми ўтказилиши режалаштирилиши ушбу масалаларни атрофлича муҳокама қилишга қаратилади. Юқоридагиларни таъкидлаган ҳолда Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларини келгуси йилда бўлиб ўтадиган еттинчи саммитда иштирок этиш учун Ўзбекистонга таклиф қилди.

Эҳтиром, эътибор ва эътироф

Маслаҳат учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвга минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик, қўшничилик ва ўзаро англашувни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишони билан тақдирланиши бўлди. Бу эътироф минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик, қўшничилик ва ўзаро англашувни ривожлантиришдаги алоҳида хизматларининг рамзиdir.

Ушбу учрашувода давлатимиз раҳбари муҳим ташаббус ва қарорларнинг тизимли равиша амалга оширилиши натижасида минтақа мамлакатларининг яқинлашув жараёни барқарор, изчил ва ортақайтмас тус олганини алоҳида таъкидлади. Якунда Шавкат Мирзиёев етакчиларга юқсак мукофот учун яна бир бор миннатдорлик билдириб, Марказий Осиёни тинч ва фаровон худудга айлантириш Ўзбекистон ташкиси сиёсатининг устувор мақсади бўлиб қолишини таъкидлади.

Усмонжон БЎТАЕВ,
Ўзбекистон Миллий
университети профессори,
сиёсий фанлар
доктори

ЖАҚИҚАТПАРВАР

Сұхбатдошимиз Баҳтиёр Абдиев умумтаълим мактабларининг 10-сinfлари учун мұлжалланған “Алгебра” дарслеги ҳаммуаллифи. Давлат тест маркази томонидан ўтказилған “Педагогик тестларнинг ижодкор мұаллифи” танлови ғолиби. 32 та ўқув-услубий құлланма ва 130 дан зиёд электрон дарс ишланмалари яратған. Математика фанини ўқитиш тажрибаси республика мікёсида оммалаштирилған.

“Мактаб ўқувчилари учун коомбинаторика элементлар”, “Инвариантлар мавзусига доир масалалар ечиш тажрибаси”, “5-7 синф ўқувчилари учун олимпиада масалалари түплами” методик құлланмалари мұаллифи. У фаолият юритаётган Китоб туманиндағы 96-мактаб вилоятда математика фанидан таянч маҳорат мактаби этиб белгиланған. “Математикани ўрганамиз” фан түғарагида 100 дан ортиқ ўқувчи иштирок этади.

2013 йилда “Мехнат шұхрати” ордени, 2020 йилда “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчisi” фахрий унвонига сазовор бўлған. Шогирдлари 10 марта халқаро олимпиадаларнинг олтин, кумуш ва бронза медаллари совриндори, икки нафари таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган.

– Баҳтиёр ака, “Ҳаётнинг иккита безаги бор: математика билан шуғулланиш ва ўқитиш”, деган эди француз математиги, механик ва физиги Пуассон.

Сиздаги шу икки безакка бугун ҳамманинг ҳаваси келади: нафақат Китоб туманида, күшни туманлару вилоят бўйлаб фарзанди сизнинг таълимнинг олишни истаган ота-оналар жуда кўп; ўқувчиларингизнинг олий ўкув юртларига кириш кўрсаткичи юқори; яқиндагина Буюк Британияда ўтказилған 65-Халқаро математика олимпиадасида ҳам ўқувчингиз Мадина Суюнова бронза медалини қўлга киритди...

– Бирорга математикани ўргатиш жуда мароқли, айниқса, ўрганаётган кишининг муваффакиятлари сезилиб турса. Ўқитувчи ҳамма нарсани ўрганиб бўлиб, кейин бошқаларга ўргатмайди. Албатта, фундаментал билимларга эга бўлиб, нималарни ўргатиш мажбурий эканини аввалдан билиши мухим. Ўқитиш эса ўзинг нимани билсанг, шуни ўргатишдан бошланади. Ўргатиш жараённида асосий ўрганинчидан ўзинг бўласан. Бирорга айтган сари ўзинг кўпроқ тушуна бошлайсан. Гоялар, усуллар шу тарзда шаклана бошлади.

Ютуқлар хақида гапирганда, ҳаммаси яхши ўқитувчи бўлиш, яхши яшаш учун кўпроқ пул топиш максадида меҳнат қилишдан бошланди. Математикадан бошқа, вакт олиши мумкин бўлган барча машғулотлардан воз кечдим. Синflаримда математик мухит яратишига ҳаракат қилдим. Секин-аста бунга эришдим. Мажбурий дастурни ўргатиш ва ўрганинша муаммолар камайди. Шундай кунларда кейинги босқичга ўтиш вакти келганини тушундим.

Талабалигимда тури математик олимпиадалар масалалари түпламла-рини йиккан эдим. Уларнинг деярли

барчаси рус тилида бўлиб, бу тилни билганим асқотди. Бошланиши қийин бўлди. 10 тача масала тайёрлаб бораман, ўқувчилар ҳаракат қилишади, кейин ўзим тушунтириб бераман. 1-2 ойча ҳар масалалардан тайёрлаб бориб, таҳлил қилиб вакт ўтказдим. Кейин ўзимнинг хатоларимни таҳлил қилдим. Ҳамма нарса турларга ажралишини билиб, ўргатмоқчи бўлганларимни мавзуларга ажратса бошладим. Танланган мавзу бўйича озгина назария ёздим, бошлангич тушунчалар ва энг содда масалалар. Кейин шу мавзуга доир масалалар түплами. Ўқувчининг эътибори айнан бир нарсага қаратилади.

Халқаро олимпиадалардаги ҳар бир ўтқозабарни ўқувчиларни яна мен томонга йўналтиради. Афсуски, ҳамма билан ишлашнинг имкони йўқ. Бундан ташқари барча ўқувчилар ҳам олимпиадага тайёргарлик кўриш машққатига ва мусобақа пайтидаги босимга бардош бера олмайди. Лекин олимпиада масалаларини ечишлари, тайёргарлик жараёнидаги меҳнатлари уларни ракобатбардош қиласи. Олимпиадаларга тайёрлар – ўқитишнинг энг юқори даражасидир. Бу пайтда ихтиёрий равища фикрлашга мажбур қилинади.

Ўқувчиларимни халқаро шоҳсупаларда кўриш ва ютукларидан завқла-

ниш ўтган барча машққатимни унуттиради. Устоз сифатида кераклигимни англатади. Янада ишлашга куч беради. Мадина Суюнова жуда кўп ўқувчилар орасидан танлаб олган жавохирим. Унинг асосий кучи меҳнатсеварлигига, чарчоққа таслим бўлмаслигига. Баъзида бўлиб турадиган муваффакиятсизлик уни тўхтата олмайди. Унга эришилган ютукларни унтиш кераклигини ўргатса бўлади. Кейинги мусобақаларга чанқоқлиги билан ажралиб туради. Хатоларини тан олади. Нотўғри фикрларидан тезроқ воз кечади. У сўнгги уч йилда жуда катта ютукларни қўлга киритди. 2021 йилда Индонезия ташкилотчилигига ўтган 27-Халқаро математика мусобақасида шахсий таркибда бронза, жамоавий таркибда кумуш медал; 2021-2022 ўкув йилида республика асосий фан олимпиадаларнинг 9-синф ўқувчилари ўртасидаги математика фанидан 1-ўрин ва 8-Эрон геометрия олимпиадасида бронза; 2021 йил Олмартода 18-Халқаро Жаутиков олимпиадаси, 7-Халқаро Кавказ математика олимпиадаси, 9-Эрон геометрия олимпиадаларида бронза; 2023 йил 19-Халқаро Жаутиков олимпиадаси ва Осиё тинч океани минтақаси математика олимпиадасида бронза; 2024 йили – 20-Халқаро Жаутиков олимпиадасида олтин, 41-Болқон математика олимпиадаси ва 9-Кавказ математика олимпиадаларида бронза, 1-Тошкент халқаро математика олимпиадасида кумуш медалларни қўлга киритди. 11-22 июль кунлари Буюк Британияда ўтган Халқаро математика олимпиадасида 110 давлатдан қатнашган 600 нафар иштирокчи орасида бронза медали совриндори бўлди.

Унгача Умид Ражабов, Баҳридин Абдиев, Юлдуз Нейматова, Элдор Нейматов каби ўқувчиларим халқаро мікёсида юртимиз довруғини кўкларга кўтарди. Улар менинг бу дунёга келиб топган бебаҳо бойликларим.

Айни дақиқаларда янам хурсандман – мактабимизни бу йил битирган 25 нафар ўқувчининг 24 нафари талаба бўлди!

– Кўпчиликни ҳайратга соладиган Баҳтиёр Абдиев маҳоратининг сири нимада?

– Отам қаттиқкўл эди. Ўқишилизни қатъий назорат қиласи. Гап эшишмаслик учун яхши ўқишига ҳаракат қиласи. Тўққизинчи синфа

математикадан туман олимпиадасида ғолиб бўлдим. Баҳонада математика билан жиддий шуғуллана бошладим. Гарчи республикага ўта олмаган бўлсам-да, анча тобландим. Имтиҳонлардан муваффакиятли ўтиб, ТошДУ (хозирги ЎзМУ) талабаси бўлдим. У даргоҳда Абдулла Аъзамов, Шавкат Алимов, Шавкат Аюбов, Азимбай Саъдуллаев каби забардаст олимлардан сабоқ олдим. Армияда ҳам омадим чопди, у ерда яхшигина кутубхона бор эди-да! Графиклар ва сонлар назариясига бағишиланган ажойиб китобларни топдим ва икки йил давомида илм билан шуғулланишга ҳам улгурдим.

Маҳоратимнинг сири – ҳаммаси оддий (кулади). Шогирдларимни 5-синфлигидан, бъязан ундан ҳам вактли танлаб, тайёрлай бошлайман. Иқтидорли болани кўрсам, юзага чиқаришга киришаман, қўлини кўйиб юбормайман. Ўз навбатида у ҳам этагимдан ушлаб олади. Зинама-зина, босқичма-босқич юкорига олиб чикаман. Оддийликдан мураккабликка, анъанавий масалалардан ностандарт масалаларга ўтаман. Ўта иқтидорлилари билан алоҳида шуғулланаман, уларга мураккаблиги юкори бўлган алгебра, геометрия, сонлар назарияси, комбинаторика, математик мантиққа оид масалаларни ечишнинг илғор усусларини ўргатаман.

Айрим шогирдларим ҳақиқатдан кучли, аммо фикрлаши суст, масаланинг ичига секинлик билан, бамайлихотир кириб боради. Бу, айниқса, вакт билан ҳисоб-китоб қиласидан халқаро олимпиадаларда панд бериб кўйиши мумкин. Шу боис ўқувчининг фикрлашдаги нуксонини бартараф этиш йўлларини ўргатаман. Аввало, масаланинг моҳиятини англаб, мантиқан ёндашиши уқтираман. Бир илмокли масалани ўзагидан ушласа, худди шундай ўнлаб масалани бемалол еча олишига ишонтираман. Ўзим ҳам ишлайман, ўқувчиниям ишлатаман.

Математика – аниқ фан. Унинг биттагина формуласини ўрганмай ўтказиб юборсангиз, бутун бошли мисол ва масалаларни еча олмайсиз. Математика қунт, тартиб ва зийракликни талаб қиласи. Дарёдан бир марта оқиб ўтган сувни кайта ушлай олмайсиз. Шу каби битта яхши ўтилган дарсни ҳам ортга қайтара олмайсиз. Сабабсиз икки мартадан ошиқ



БҮЛИШГА ЎРГАТАДИГАН ФАН

дарсларда қатнашмаган ўқувчи мен учун жуда катта нарса йўқотган сана-лади.

Имкон қадар содда таълим бе-ришга уринаман. Факат формулалар, ракамлардан гапирмай, ўрганаётган мавзуни ҳаёт билан боғлаб тушунтиришга харакат қиласмиан. Чунки ўқувчи робот эмас. У математика энг муҳим касбларнинг отаси эканини, эртага ҳаётида уни кўллай олишини тушунишини истайман.

— Бошқа дарслардан фарқли ўла-роқ математикани ҳамма ўқувчи ҳам тушунавермайди. Бунга сабаб ўқитувчининг маҳоратсизлигими ё ўқувчининг табиатан бу фанга қизиқмаслигими ёки умуман дан-гасалигими?

— Ҳамма ўқувчи ҳам математикани тушунмаётган бўлиши мумкин, лекин шу ўқувчилар физикани, кимёни, биологияни, информатикани яхши тушуняптими? Мусиқа ёки расм, чизмачилик уларнинг севимли машғулотими? Адабиётни марок билан ўрганяптими?

Сабаби ҳамма нарсада бўлиши мумкин. Мактабгача таълимга, бо-лалар боғчаларига қандай вазифа кўйилган? Узлуксизлик, боғлиқлик таъминланяптими? Охирги йилларда мактабгача таълимда энг яхши кўр-саткич сифатида уларнинг чет тилла-рини яхши билишлари кўрсатилади. Чет тилини билиш ёмон эмас, албатта. Боғчадаги бола мактабгача яна кўп нарсалардан хабардор бўлиши керак бўлади. Булар ўйинлар орқали унинг онгода шаклланиши керак. Бино ва иншоотлар қурилиши, автомобиллар, самолёт, ракета, космик кемалар, электр иншоотлари ва бо-шқа нарсалар. Мусиқа ва чизмачилик бўйича дастлабки кўнкималар...

Қолаверса, мактабда бошлангич синфларининг дастурлари ҳам му-каммалми? Ҳозирги кунда илгор мамлакатларнинг дарслклари тар-жима қилиниб, мослаштириб кири-тилоқда. Ёрдам беришига кафолат борми? Эҳтиёт бўлиш керак! Маблағ ҳам, вакт ҳам бекорга кетмасин!

Ўқитувчиларнинг маҳоратида кам-чилик борлиги ҳам бор гап. Лекин булар ҳаммаси биргаликда шаклла-нади. Бола табиатан қайсиридан ғанга қизиқмас, лекин қизиқадиган фани борми? Бизнинг ишимиш ҳар бир болани билим олишга йўналтириш, би-рор касбни пухта эгаллашига кўма-клашиш. Шу ишни қилишимиз шарт.

Албатта, бу ерда умумий камчили-клар ҳақида гаплашяпмиз. Яхшиям ҳамма бефарқ эмас. Яхши ўқитаёт-ган ўқитувчилар ҳам кўп, яхши ўқи-ётган ўқитувчилар ҳам кўп. Шубҳасиз, муаммолар ҳам кўп. Хусусий мактаблар кўпайиши яхши. Шу мактаблар секин-аста ўқитиш сифатининг оши-шига хизмат қилишига шубҳам йўқ.

Мен ҳар доим, энг ёмон воеа деб мамлакатимизда 9 йиллик умумтаъ-лимга ўтганимизни айтаман. Бу жуда ёмон иш бўлганди. Мана шу ишнинг жабрини ким билади яна неча йил-

лар тортамиз. 9 йиллик таълимга ўтиш мактаблардан жуда кўп ўқи-тувчиларни чиқариб ташлади. Жуда кўп кадрларни йўқотдик. Мактаблар 9-синфгача ўкувчини ушлаб турди-ган масканга айланганди. Яхшиямки, Президентимиз ташаббуси билан ўз вақтида 11 йиллик мактабларга кай-тидик.

— Сизни билганлар касбининг фидойиси ва ўта қаттиқўл, дейи-шади?

— Фидойилик ва қаттиқўллик. Мен кўпроқ профессионаллик сў-зини ишлатишини яхши кўраман. Агар ўқитувчи қаттиқўлликни ҳад-дан ошириб юборса, оқибати яхши бўлмайди. Ҳар қайси ўқитувчи қат-тиқўлликни ошириб юборган пай-тларини эслаганда қийналади, ўша дақиқалар қайтиб келса бошқача йўл тутиши мумкинлиги ҳақида ўйлайди. Нималар учундир афсус қиласи. Лекин ҳаммаси ўтиб кетган бўлади. Фидойи ўқитувчicha битта камчилик бўлади, у “Мен шунча меҳнат ки-ляпман ва менинг ўқувчим буларни билиши шарт” деб ўйлайди. Лекин бундай бўлмайди. У ўз меҳнати бе-корга кетишида ўқувчини айлаши мумкин. Ўша пайтда портлаши ҳам табиий ҳолат. Йиллар ўтиб тажриба-си ошади ва нокулай пайтларни уста-лик билан ҳамма иштирокчилар учун қулаштириш йўлларини топишни ўрганиди. Ота-она ҳам, ўқитувчи ҳам бола қайсиридан фанни яхши ўргани-шини истайди, аммо қайсиридан пай-тдаги нотўғри ёндашув катта тўсик бўлиб чиқади. Хатолик ҳар доим ўқи-тувчидан бўлмайди. Тарбия жараёни ҳам факат ўқитувчига ташлаб кўйи-лиши катта хатоликдир.

— Бахтиёр ака, олий ўқув юрт-ларини ҳар йили юзлаб талаба би-тиради. Аммо ҳар мактабда тугул, туман бўйича номдор ўқитувчилар бармоқ билан санарли?

— Болалар ўзларининг атрофлари-да бўлаётган воеаларни, ким қандай яшаётгани, кимнинг уйи қанақа, ким қандай русумдаги машина минаётга-нини кўриб туришади. Касб танлаёт-ганда шу нарсалар хисобга олинади. Маълум бир даврда айрим касблар урфа айланар экан. Урфа айланган ўйналишларга ўқишига кириш ҳам кийин бўлади. Бундай ўйналишларга билими энг кучлиларгина кира ола-ди.

Нуфузли олий ўқув юрти деб гапи-риш қаердан келиб чиқсан? Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети нуфузли ўқув даргоҳла-ри қаторига кўшиладими? Бундан 23 йил аввал ўқувчиларимдан бирига унинг билими, характерини хисобга олиб физика ёки математика ўқитув-чиси бўлишини тавсия қилганимда, у менга “Домла, шунча йил ўқиб, энди ўқитувчи бўламанми?” деганди ис-техзо билан. Унинг бундай хуносага келишига сабаб атрофни кузатгани, синфдошлари билан сұхбатлашгани ўзидан каттароқ қа-риндошлари билан сұхбатлашгани бўлиши мумкин. Кимdir унга ўша



пайт учун тўғри маслаҳат бергандир. Хулас, у техника йўналишида ўқи-ди. Менимча бир кун ҳам ўз соҳасида ишламади. Физика ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. Кейинчалик талаб кучайди, қайта тайёрловда ўқиди. Яна талаб кучайди, иккинчи мутахас-сисликда ўқиди. Ўша сұхбатимизни ҳозир ҳам эслатиб турман, афсусла-нади. ЎзМУнинг физика факультетида ўқиганимда янада бошқача бўлар-миди, дейди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг олимпиада департа-менти бошлиғи Умид Раҳмонов де-ган йигит бор. Энг нуфузли ҳалқаро математика олимпиадасида кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлган. Ўша йигит ҳам ОТМга имтиёз билан ўқишига кирган – Жаҳон иктисодиёти ва дипломатияси университетига. Кейинчалик, иккинчи мутахассис-лик бўйича ЎзМУда ўқиди. Албатта, Умид Раҳмонов илк ўқиган йўнали-шида ҳам муваффақиятларга эриш-ган бўлиши мумкин. Лекин барибир математикага бўлган муҳаббати куч-лилик қилди.

Шундай йиллар бўлдики, мактабларнинг энг яхши битирувчилари-дан ҳеч бири ўқитувчilik касбини танламади. Кимё ва биологияни яхши ўқиган ўқувчи тиббиёт олий ўқув юртига киришга кучи етмагани учун ўқитувчиларни танлаганига гу-воҳ бўлганман.

Мактабларда ишлаётган ўқитув-чиларнинг жуда кўпчилигини, аввал бошқа йўналишларда ўқиб, кейинчалик сиртдан иккинчи мутахассисликда қайта ўқиганлар ташкил қилади. Мен буни жуда ёмон деб айтмаяпман, бундайларнинг кўпчилиги жуда яхши ишлаётганини ҳам кўриб турибман. Балки улар бир неча йилларни йўқо-тишишмаганида яна ҳам фойдали бўлар эди.

Яхши ўқитувчилар сони йил-дан йилга кўпайяпти. Ўқитувчилар бир-бирларини ўқитишишмоқда. Энг яхши малака ошириш курслари телег-рам каналларида ишляпти.

— Интервьюларининг бирда-математика ниҳоятда гўзал фан дегандингиз. Математика ва гўзалик ўртасида қандай боғлиқлик бор?

— Математика ҳақиқатни энг соф ва бевосита ҳис қилиш имконини

беради. Балки одамларнинг умумий маълумоти учун бебаҳолиги ана шун-дадир. Ҳақиқат – гўзал, ёлғон эса беъ-манидир. Математиканинг гўзалиги – қандайдир ёрдамчи қўшимча хосса бўлмасдан, балки унинг асосий ха-рактерли хусусиятларидан биридир. Ҳақиқат ҳар доим гўзал, гўзалик эса ҳар доим ҳақиқатдир. Матема-тик чизган нақшлар рассом ёки шоир яратган нақшлар каби гўзал бўлиши керак: ғоялар ранг ёки сўзларга ўх-шаш бир-бири билан уйғунлашиши лозим. Гўзалик биринчи талабдир. Дунёда гўзал бўлмаган математикага ўрин йўқ.

Математикани санъат тури деб хи-соблаш мумкин, чунки у ўзига хос гў-заликни намойиш этади. Математик тафаккур излари мусиқа, рақс, расм, мъеморчилик, ҳайкалтарошлиқ ва тўқимачилик санъатида яққол намоён бўлади.

Маълумки, миянинг ўнг яrim шарининг фаолияти чапдан фарқ қиласми, улар турли функцияларга эга. Бири тасвиirlарни (образларни) ишлаб чиқарди, иккинчиси мантиқий фикрлаш билан боғлиқ. Лекин математика ва шеъриятга мойил-лик, албатта, бир одамда мужассам бўла олади. Математика ва адабиёт бир-бирига ўхшашдир, чунки улар орқали биз атрофдаги воееликни тушунавиз: адабиёт инсон ҳәтининг маънавий соҳасини очиб беришга қаратилганд, математика эса одамлар фаолиятининг техник, моддий томон-ларини тушунишини назарда тутади.

Математика деярли барча фанлар-нинг, ҳатто гуманитар фанларнинг асосидир, шунинг учун ҳам биринчи синфлардан бошлаб бу фанни ўрганиш ва тушуниш ҳар бир киши учун жуда муҳимдир. Математика ўзбошимчаликларга тоқат қилмайди. Бу қатъий мантиқ ва тартибининг тимсолидир. Бу бизнинг дунёмизни ўзининг қонунлари билан ўрганишга ёрдам беради.

Ажойиб математик аёллардан бири Софя Ковалевская математика ҳақида шундай дейди: “Бу кўпроқ фантазияни талаб қиладиган фан, қалбан шоир бўлмасдан математик бўлиш мумкин эмас”.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА
сұхбатлаши.**

Юртимизда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга даҳлдорлигини ошириш борасида улкан ишлар қилинмоқда. Зеро, замонавий билим ва кўнималарга эга, мамлакатнинг муносаб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва сергайрат ёшларни тарбиялаш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Дунё аҳолисининг 2 миллиарддан зиёди, яъни 25 фоиздан ортигина ёшлар ташкил этади. Мамлакатимизда эса ёшлар катлами жами аҳолининг қарийб 60 фоизига яқин. Шунинг учун Ўзбекистон ёшлар мамлакати сифатида эътироф этилади. Яқин ўн йилларда бу катлам давлат ва жамият бошқарувида ҳал қилувчи кучга эга бўлишини тасаввур қиласак, ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиш, муаммаларини вақтида ҳал этиб, шахс сифатида ривожланиши учун барча шароитларни яратиш, профессионал касб маҳоратини шакллантириш каби вазифалар ниҳоятда долзарб экани ойдинлашади.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 30 сентябрь куни Ўқитувчи ва мураббийлар кунига багишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида ўзининг қуидаги фикрларини баён қилган эди: “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйгониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад килиб белгиладик, Бу хақда гапирап эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмунини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак.”

Республикамизда олиб борилаётган ёшларга оид Давлат сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат боскичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июнда “Ёшларга оид давлат сиёсати самараодорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоки фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 18 июнда “Ўзбекистон ёшлар иттифоки фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2020 йилнинг 30 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги боскичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши шунингдек, Ўзбе-

кистонда 30 июнь — “Ёшлар куни” деб эълон қилиниши мамлакатда ёшлар сиёсати борасида самарали ўзгаришлар ва бу борадаги ислоҳотларнинг янги боскичга кўтарилганидан далолат беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида берган БМТнинг Ёшлар хукуклари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифи жаҳон афкор оммасида катта қизиқиши ўйғотди. “Маърифат ва диний бағрикенглик” маҳсус резолюциясини кабул килиш хақидаги ташаббуси барча томонидан қўллаб-куватланиб, 2018 йилнинг 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида кабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ёшлари ўзларининг интеллектуал салоҳияти билан халқаро олимпиадалар, спорт мусобақалари, қолаверса, барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришиб, дунё ёшлари ўртасида ўрни юкорилаб борётганлигини кўришимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбари “Ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга”, деб бежиз таъкидламайди. Бу ёндашув “Ўзбекистон-2030” стратегиясида ҳам аксини топган. Мисол учун, ушбу муҳим хужжатнинг “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносаб шароитларни яратиш” деб номланган биринчи ўнналиши 44 банддан иборат бўлса, шунинг 25 дан ортиги бевосита ёшлар манфаатларига қаратилган.

Юқоридаги карор ва фармонлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрда “Эл-юрт умиди” жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Жамғарманинг асосий мақсади-иктидорли ва истиқболли, айниқса республика худудларидан ёш мутахассисларни излаб топиши ва танлаш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини



ташкил этишдан иборат қилиб белгиланди.

“Барча соҳаларда жадал ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда, ушбу суратга мос илғор билимли ва малакали кадрлар бизга бугун керак бўлмоқда. Ҳозирги тизимли ўзгаришлар жараённида аксарият мутахассисларнинг билими, малакаси ва кўнимаси замон талабига жавоб бермаяпти. Агарда чет элда кадрларимизни тезда тайёрламасак, яқин келажакда режаларимизни сифат ва муддат нуқтаи-назаридан жой-жойига кўя олмаслигимиз аён бўлиб қолди. Шунинг учун биз “Эл-юрт умиди” жамғармасини ташкил этдик” – дея эътироф этган эдилар давлатимиз раҳбари.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ўз олдига кўйилган муҳим вазифанинг ижросини таъминлаш йўлида 2018-2023 йилларда 1900 нафарга яқин стипендиатлар дунёнинг 45 га яқин давлатларида, жумладан 2018 йил давомида 378 нафар, 2019 йил давомида 600 нафар, 2020 йил давомида 15 нафар (пандемия даври), 2021 йил давомида 313 нафар, 2022 йил давомида 320 нафар, 2023 йил 274 нафар уларнинг 2024 йил 119 нафари хорижга таҳсил олиши ташкил этилмоқда.

Бугунги кунга келиб, уларнинг 1 277 нафари Ўзбекистонга қайтиб хорижда олган илғор билим ва кўнималарини, иктисодиётнинг турили соҳалари ва тармокларида самарали қўлламоқдалар.

Айни вақтда 535 нафар стипендиатларимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия, Испания, Корея, Хитой, Россия каби давлатларда глобал академик рейтингда ТОП 300 таликка кирган университетларда, жумладан “University of Oxford”, “University College London”, “Columbia University” ҳамда “Cornell University” каби олийгоҳларда таълим олишини давом эттироқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, дунёда кечеётган нотинч ижтимоий-иктисодий ва сиёсий вазиятга қарамасдан, Ўзбекистон ёшлари-

нинг хорижда таълим олишига давлат бюджетидан мунтазам маблағ ажратиб борилаётгани хорижлик ҳамкорлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Шунингдек, стипендия ва грантлар совриндорларининг ота-онарирининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқчил сиёсатидан чексиз миннатдорлигига сабаб бўлмоқда.

Ҳар йили Жамғарманинг хорижда таълим олиш дастурлари бўйича вазирлик ва идоралар реал эҳтиёжлари ўрганилади. Жумладан, 2023 йил учун бакалавриат дастурига 253 ўрин, магистратурага 1259 ўрин ва докторантурага 556 ўринга, жами 2068 ўринга эҳтиёжлар ўрганилди.

Мазкур эҳтиёжлардан келиб чиқиб, Жамғарма таълим дастурлари бўйича хорижда таълим олиш учун жами 500 ўринга, жумладан бакалавриатга 75 ўрин, магистратурага 275 ўрин ва докторантурага 150 ўрин ажратилди.

Жамғарма томонидан ўтказилган 2 та очиқ стипендия танловлари олдидан стипендия танловлари тартиби билан боғлиқ янгиликларни вазирлик, идора ва ташкилотлар, шунингдек, худудлардаги ёшлар ва мутахассислар орасида кенг тарғиб этишга қаратилган ҳудудий семинарлар видеомулоқот шаклида ўтказилди.

Семинарларда Жамғарма очиқ стипендия танловларини ўтказиш тартиби, ажратилган ўринлар, устувор йўналишлар, танловни ташкил этиш механизми, электрон ҳужжат топшириш платформасининг ишлаш тартиби, ёшларга хорижда таълим олиши учун яратиб берилган имкониятлар тўғрисидаги маълумотларни номзодларга тўлиқ етказилди.

Мазкур семинарларда республиканинг барча худудларидан 190 мингдан ортиқ ёшлар мутахассислар ва номзодлар иштирок этдилар.

2023 йилги 1-очиқ стипендия танлови натижаларига кўра, бакалавриат таълим дастурида 53 нафар, магистратура таълим дастури-

да 82 нафар ва докторантура таълим дастурида 20 нафар, жами 155 нафар номзодлар “Жамғарма стипендиати” мақомига сазовор бўлдилар.

Стипендиатларнинг ижтимоий мансублик даражасига кўра уларнинг 4 фоизи етимлар, 9 фоизи ота-онаси ишсизлар, 48 фоизи оддий оиласлар ва 22 фоизи тадбиркорлар фарзандлари, 13 фоизи ўzlари давлат хизматчилари, 4 фоизи эса ўрта ва юқори бўғин бошқарувида фаолият олиб бораётган шахслар фарзандлари эканлиги дикқатга сазовордир.

Стипендия голибларининг 52 нафари (34 фоиз) “STEM фанлари” ва “IT” соҳалари, 39 нафари (25 фоиз) “Бизнес, бошқарув ва ҳуқук” соҳаси, 24 нафари (16 фоиз) “Таълим” соҳаси хамда 21 нафари (14 фоиз) “Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот” соҳаси ва 19 нафари (11 фоиз) бошқа соҳалар бўйича хорижга таълим олиш учун юборилди.

2023 йилнинг октябрь-декабрь ойларида Жамғарманинг 345 ўринга 22 ўрин бакалавриатга, 193 ўрин магистратурага ва 130 ўрин докторантурага мўлжалланган 2-очиқ стипендия танлови ўтказилди.

Ўтказилган 2-очиқ стипендия танлови натижаларига кўра 119 нафар бакалавриатга 33 нафар, магистратурага 77 нафар ва докторантурага 9 нафар номзодлар ижобий баҳоланиб, Жамғарма стипендияси га тавсия этилди.

Жамғарма стипендияларига тавсия этилаётганларнинг 82 нафари (69 фоиз) эркак ва 37 нафари (31 фоиз) аёллар ташкил этади. Мазкур стипендиатларнинг 48 нафари (40 фоиз) АҚШ, 34 нафари (29 фоиз) Буюк Британия, 12 нафари (10 фоиз) Россия, 10 нафари (8 фоиз) Италия, 4 нафари (3 фоиз) Австралия ва 11 нафари (9 фоиз) бошқа турли мамлакатлардаги халқаро рейтингдаги нуфузли университетларга таълим олиш учун юборилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, хорижда таълим олиб қайтган стипендиатларнинг меҳнат фаолияти мониторингини ўтказиш, таклиф ва ташабbuslariни ўрганиш, касбий ўсиши хамда муносиб лавозимларга тавсия этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президент давлат маслаҳатчилари раҳбарлигига вазирliklar раҳбарлари иштирокида сұхбатлар ўтказилиб борилмоқда.

Бугунги кунда Жамғарма томонидан 120 дан ортиқ хорижий университет ва ташкилотлар билан икки томонлама меморандумлар имзолашга эришилган. Хусусан, Буюк Британиянинг University of York, University of Reading, University of Birmingham, University of Glasgow, “Kaplan International Pathways”, АҚШнинг University of Minnesota,

Colorado State University, Австралиянинг University of Sydney, Испаниянинг “SEPIE”, Малайзиянинг “EMGS” каби 20 дан ортиқ нуфузли ташкилотлар билан стипендиатларни ўқиш харажатларидан 10 фоиздан 50 фоизгача чегирмалар олишга эришилди.

Бундан ташқари, University of Oxford, Université Paris-Saclay, Universiti Sains Malaysia (USM), University Of Southern California, Cardiff University, Sejong University, University of Nagoya, University College London, Ghent University, Macquarie University каби университетлар билан меморандум лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб бугунги кунда имзоланиш жараёниари кечмоқда.

Шу ўринда, Жамғарма стипендиатлари инженеринг ва меҳатроника, муҳандислик ва техник мутахассисликлари бўйича Буюк Британия, Германия, Италиянинг нуфузли университетларида таълим олиб қайтиб, ҳозирда «Узватосаноат» АЖга қарашли BYD Uzbekistan Factoryда, Тошкент кимё-технология институтида, Андикон машинасозлик институтида хорижда олган илфор билимларини бугунги кунда мамлакатимизда самарали кўлланиши бутун юртимиз ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди.

Жамғарма “Ўзбеккосмос” агентлиги фаолият йўналишлари бўйича хорижда малака ошириш учун Россиянинг “Hexagon Geospatial” ташкилоти билан ҳамкорликда геофазовий технологиялар ёрдамида ерни масофадан зондлаш ва маълумотларни қайта ишлаш” мақсадида “Ўзбеккосмос” агентлиги тизимидағи 7 нафар масъул ходимларини онлайн малака ошириш курслари ташкил этилди.

Жамғарма томонидан Германиянинг “Janser Consult” ташкилоти билан ҳамкорликда “Навоийурон” давлат корхонасининг 12 нафар ходимларини стажировка ўташ дастури ташкил этилди.

2024 йил январь ойи давомида 2023 йилги 2-очиқ стипендия танлови голибларини (119 нафар) хорижга жўнаб кетишлари билан боғлиқ хужжатлари расмийлаштирилиб, улардан 62 нафари хорижда таълим олишини бошлаши ташкиллаштирилди. Шу ўринда, 57 нафар стипендиатлар бугунги кунда кузги семестрдан ўқишини бошлашига тайёргарлик кўришмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистонда меҳнат фаолиятини олиб бораётган хамда хорижда таълим олаётган Жамғарма стипендиатлари орасидан 1 нафар Президент ва 2 нафар вице-президентлари Америка Кўшма Штатлари ва Канада, Буюк Британия/Австралия, МДҲ давлатлари, Европа давлатла-

ри, Осиё давлатлари кесимида сайланди.

Ушбу ташабbusдан кўзланган асосий мақсад стипендиатларнинг меҳнат фаолияти ва ўқиши давомида дуч келаётган муаммолари ва таклифларини яқиндан ўрганиш, стипендиатлар орасида “networking” алоқаларини янада кучайтириш хамда стипендиатлар ва Жамғарма ўргасида мулокот кўргани йўлга кўйиш хисобланади.

Бундан ташқари, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер Университети (TXBU) ва Давлат бошқарув академияси ҳамкорлигига 2024 йил 30-31 марта кунлари “Ўзбекистон-2030: Авлодлар нигоҳида” мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

Шу ўринда, хорижда таҳсил олаётган стипендиатларнинг доимий мониторинги йўлга кўйилган бўлиб, ҳар ойда камиди икки маротаба Zoom орқали учрашувлар ташкил этилиб, улар дуч келаётган муаммоларига ечим бериб келинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатлари: «Янги Ўзбекистон истиқболи учун бирлашамиз» номли семинар 2024 йил 26-28 июнь кунлари ўтказилди. Семинардан кўзланган асосий мақсад Жамғарма стипендиатларига ватанга садоқат, ўзбек миллий қадриятларига ҳурмат, гоявий-сиёсий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш хамда Янги Ўзбекистон ёшларига оид давлат сиёсати моҳияти ва мақсадини тушунишидан иборат ҳисобланади.

Жорий йилнинг 25 июнидан 25 июляга қадар 2024 йилги 1-очиқ стипендия танлови учун ҳужжатлар қабул қилиниши эълон қилинди. Мазкур танловда бакалавриат таълим дастури учун 100 ўрин, магистратура таълим дастури учун 250 ўрин хамда докторантура таълим дастури учун 150 ўрин ажратилган.

Ёшлар сиёсати бўйича хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш, ўзаро тизимли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 13 та хорижий ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга кўйилди. Ўзбекистон 2018 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Ёшлар кенгашига, 2020 йилда Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги Ёшлар масалалари бўйича кенгашига тенг ҳукукли аъзо сифатида қабул қилинди.



Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташабbuslari ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини кўллаб-куватлаш” гранти асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Президенти ташабbuslari билан ёшлар ҳукуқлари мавзусида бир қатор халқаро анжуманлар ҳам ўтказилди. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг БМТ Инсон ҳукуклари бўйича кенгаши 46-сессиясида илгари сурган ташабbusi асосида 2021 йил 12-13 август кунлари Тошкентда “Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзусида бўлиб ўтган Ёшлар ҳукуклари бўйича бутунжоҳон конференцияси шулар сирасига киради. Халқаро анжуман якунида қабул қилинган Тошкент Ёшлар декларациясида, жумладан, Ўзбекистоннинг 3 та халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик ташабbusi қўллаб-куватланди. Бу ўринда, биринчидан, Ёшлар ҳукуклари бўйича конвенцияни қабул қилиш, иккинчидан, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари Ёшлар кенгашини ташкил этиш, учинчидан, Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш ташабbuslari ҳақида сўз бормоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда 2020 йил 12 август – Халқаро ёшлар кунида “Ёшлар – 2020: глобал бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳукуклари” деб номланган Самарқанд форуми ўтказилди. Ушбу халқаро анжуман якунида қабул қилинган “Ёшлар – 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳукуклари” номли Самарқанд резолюциясида ёшлар тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш хамда инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш борасида муҳим ўрин тушишлари, бинобарин, навқирон авлод вакилларининг ўзларига даҳлор қарорлар қабул қилиниши жараёнларида фаол, мазмунли ва инклузив тарзда иштирок этишлари зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама барқамол авлод этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.

Бугун дунё илмини эгаллаётган ёшларимиз юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиша асосий кучга айланиси бормоқда.

**Бўри ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи.**

Нега унинг овози ҳазин, табассуми синиқ эди? Ҳатто мағрур нигоҳида ҳам кишини ўйлантирадиган маъюслик яширин...
Лекин ҳеч кимга ўхшамаган хокисорлик — вазминлигига қандайдир аслзодалик ҳам бор эди-ки, ҳамиша ғамгин, аммо улуғвор кўринарди.

КУМУШГА АЙЛАНГАН МАЬСУМА



Хузурига бормасимдан олдин адабиётшунос Шуҳрат Ризаевнинг: “Ҳаётда қандай оғир, вазмин, камгап бўлса, санъатда ҳам шундай яшаб келяпти. Аммо унинг изтироб ва оғриқлар билан лиммо-лим қалбани, дод солса, исён кўтарса, дунёни бузарлик қудрати, куввати борлигини Римма Аҳмедова санъатидан том маънода баҳра олган нозик фаҳм ва дидли ихлосмандлар ҳамиша сезиб юришади. Агар ўзбек актёрлик санъатида Римма Аҳмедованинг факат у билангина барҳаёт ўрни бор десам, ҳақиқатга яқинлашган бўламан. Билмадим, ҳар қалай менга ўтган ва ўтмаган аёл актрисаларимиз ичida Римма Аҳмедова деган ҳодиса энг маҳобатлиси бўлиб туюлади. Чунки у ҳеч қачон томошабин кетидан юрмайди, эргашмайди, балки аксинча эргаштиради, ундан баландроқ юради. ...У кўп нарсага файласуф нигоҳи билан қарайди. Дунё ишларини файласуфона мушоҳада этади”, дея кўнглининг туб-тубидан чиқсан самимий эътирофини қайта-қайта юрагимдан ўтказдим. Санъаткорнинг рухни ибодатга келтирувчи, ҳа-ҳа, айнан ибодатга келтириб, покловчи овозини эшитиш учун баҳога ҳаддан ташқари хасис, тажанг домланинг сабоғини қолдириб, юрак ҳовучлаганча “Инсон қалби ҳақида қисса” фильмини кўрган кунимни ҳамон қўмсайман. Ўшанда мен англаган бирдан-бир ҳақиқат шу эдики, фильм қаҳрамони — туйгулар олами бой бемор шоиранинг хаста, лекин ҳассос юраги аслида биргина овози билан унинг образини яратадиган Санъаткорим кўксидаги турарди. Шу сабаб бўлса керак, гарчи дубляж санъатида икки мингга яқин образларни яратган бўлса-да, Римма опа йиллар давомида ўзига ҳам қадрдан бўлиб қолган беғубор Наташа Ростова билан нозик қалбли ўша шоирани айрича меҳр билан эслаб келди. Чунки бу қаҳрамоннинг дарди, шикаста туйгулари унга бегона эмас эди...

...Истараси ниҳоятда иссиқ, туйгулари паришон юзига майин қалқиб чиқсан, маҳзун қиёфали, ҳар қандай ҳолдаям дилбарлигича қолган, сочлари кумушга айланган маъсума Аёл. Унинг муҳаббатга айланган маъюс кўзларида юракни уйғотадиган илиқ ҳарорат мужассам. Актрисанинг ўйчан қиёфасига ёшлика хос лирика ҳам сингиб кетган эди. Бу унинг ниҳоятда нозикхा�ёл эканидан дарак берарди. Мана шу ҳолатда кўнглимни найнинг дилўртар навосидек титратди. Ва бу ҳазин куй кўмагида гўёки юрагимни кафтимга олиб томоша қилгандек бўлардим... Ҳа, ахён-ахёнда бу найдан кўнгил қулфини очиб ташлайдиган ўйноқи-шўх наволар янграрди. Барча истеъоддли инсонлар сингари юмор туйғуси у учун ҳам бегона эмас эди. Ўз ҳолатидан кула оларди, кулгандаям маза қилиб, яйраганча армонсиз куларди. Баъзан биз дардидан маъюсланиб қолсак, ўзини “айборд” сезиб хижолат чекар, “мени кечиринглар” дегандек илтижоли бокарди. Муносабатларимизда ёшимиздаги масофа ҳеч сезилмаган, олдида ўзимни ниҳоятда эркин сезардим, юрагим эрк шаробидан тўйиб ичаётгандек бўларди. Ҳар гал сухбатлашганда амин бўлардимки, бу аёлда камдан-кам одам эришиши мумкин бўлган, ҳар қандай чиройдан-да юксак, турмушнинг телба шамолларидан голиб руҳий юксаклик мавжуд эди. Актрисанинг ўй-мулоҳазалари ҳеч қачон кексалик нишонаси бўлмиш панд-насиҳатга айланмади. Ҳаётни айрича муҳаббат билан севиб, уни теран тушунар, назаримда бу туйғуни сўнгти лаҳзасигача сухбатдошларига ҳам юқтиргиси келарди.

Унга отасини кўриш насиб этмади. Сайрамлик Анор хола кенжатои Ашурни урушга жўнатаётганида, ўғли вагон деразасидан бошини чиқариб: “асранглар, бўйида боласи бор!” дея овози борича бақиради. Бу ўғилнинг онага айтган охирги ўтиччи эди. Орадан ойлар ўтиб фарзанд дунёга келади. Александра қизалоққа эрта кетган дугонасининг хотираси учун Римма деб исм қўяди. Анор хола эса кенжатоининг тирик васиятини ҳеч кимга ишонмас, уни Ирисой деб чақирад, “чирофим” деб эркалаторди.

Александра турмуш ўртогини ўн бир йил кутади. Тақдирга тан берган она: “Болам, шунча кутдинг,

уволингга қолмай, турмушга чиқ,” дея келинига рухсат беради. Бироқ Ашургинасининг ёлғиз ёдгорини ўзи билан олиб қолади. Невараси кўнглининг кемтиклиги билинмасин дея эски шаҳардаги бозорда тарозибонлик қилиб неки тансиқ нарса кўрса нуридийдасига илинади. Бола онамнинг олдига бораман, деса ҳам ёлғиз юборишга кўзи қиймас эди. Негаки, бошка турмуш куриб, кетма-кет фарзандлик бўлган Александранинг тинч турмушига халал бергиси келмас эди. “Ўзимча ойим(бувим)дан кўп ранжирдим, — дея эслайди Римма опа. — Институтда ўқиб юрган кезларим тадбирлар — ижодий кечалар тез-тез бўлиб турарди. Шунда гоҳида кечгача қолиб кетар эдик. Уйга қайтаётганимда, қачон қарамай ойим кўчагча чиқиб, мени кутиб ўтирадилар. Хоҳ қаҳратон қиши бўлсин — хоҳ ёз. Мен эса у кишини уришаман “Ойи, маҳалладаги аёлларга гап кўпайтириб нима қиласиз: “Бояқиши, кечгача Ирисхонни кутиб кўчада дийдираф ўтириби” дейишади...”

Кунлар ойларга айланди, ойлар эса йилларга... Йигирма ёшида у ҳам бувисидан, ҳам онасидан жудо бўлди. Мана шу жудоликлардан сўнг биз учун таниш бўлган нигоҳига қайғунинг илк сояси тушди. Бора-бора бу соя чукур мунгга айланди. Ҳатто ўзини баҳтиёр санаған лаҳзаларда ҳам унинг нигоҳини тарқ этиб кетолмади.

Бу аёл саҳна инсон туйгуларини таҳқирламасдан, юксак маънавий идеаллар йўлида хизмат килиши керак деб билди. Сен ундан ўзинг излаб юрган гўзалликни топ. Қаҳрамонлар фожиасида ўзингдаги кемтиклини кўр-да, тиникиб-тиникиб йигла, руҳан покланасан дер эди. Табиийки, бетоблиги туфайли ижодий жараёнлардан узоқлашганди. Бир куни соғиниб юрган театрига спектакль кўргани боради... “Мен спектаклнинг режиссурасию актёрлар ижроси ҳақида гапиришни ҳам хоҳламайман. Спектакль эмас! Бу томошада эркак ва аёл ўртасидаги сирли муносабат шу қадар ялангочлик билан айтиляптики, буни санъат деб айтольмайман!” — деган эди.

Ўша куни уйига йиглаб қайтади. Аслида, бу кўзёшлар бир умр соғ туйгулар билан севган саҳнасининг шу қадар қадрсизланганига қилолган бирдан-бир исёни эди. Шундан

сўнг ўзи учун хулосага келади: гўзаллик чексиз тушунча бўлганидек, яъни унинг қиёси топилмагани учун ҳам ҳар томонлама мукаммал санъат асари бўлмайди. Шунингдек, тубанликнинг ҳам интиҳоси бўлмас экан...

У ўқиган шеърларнинг ҳар бири қандай қилиб санъат асарига айланганини ўзимча тушуна бошлайман. Назаримда, ундаги ҳассосликнинг, улуғворликнинг ҳам қалити унинг саодатманд қалбидаги жавҳарда муҳассамдек.

Воизлик унинг табиатига ёт эди. Ортиқча эътибор, бировларнинг соҳта мулозаматларидан ҳамиша ўзини аяр, қандайдир оммавий-расмий йиғинлар унинг жойи эмас эди. Сўнгти нафасигача нигоҳини ўз қалбига — ички дунёсини бойитишга қаратган эди. Назаримда, у ўзининг сукунатлари ила Олам билан сирлашар, мен эса у орқали Оламни тинглар эдим. Менимча, ундаги чексиз самимиятнинг сири ҳам шунда бўлса керак. Шу йўл билан ҳам У ҳеч кимнига ўхшамаган — мени асир этган гўзал Дунёсини химоя қилгандек. Ҳаёт у учун бардош бўлса, саҳнани гўзаллик билан гўзаллик сирлашадиган даргоҳ деб билди.

Римма Аҳмедова ўзининг ўнкир-чўнкири, куш уйқуси каби кечган умри билан бу сарсон Дунёни фақатгина гўзаллик асраб қолиши мумкинлигига астойдил ишониб яшаганлигини исботлади. Менинг баҳтим — ўзининг мўъжазгина дунёсига хиёнат қилмаган ҳақиқий Санъаткорнинг оламига сайр қилиш насиб этганлигига. Бироқ унинг бу дунёси менга яна бир азалий аччиқ ҳақиқатни — биз талпинаётган Гўзалликнинг кўзлари ҳамон ёшга тўла эканлигини эслатди. Асрлар давомида инсониятнинг барча кўргуликларига гувоҳ бўлиб келаётган, сиз билан мен сархуш бўлганча топинаётган бу соқов Дунё мана шу гўзалликнинг, покликнинг кўзларидаги тахир ёшлардан озиқланаркан. Ахир, кўзни яшнатадиган ям-яшил водийлар ҳам Улуғвор Тоғларнинг кўзёшлари — сувларидан яшаб келти-да!

Факат биргина таскин бор: шундай инсонлар борлиги учун ҳам яшагинг келади...

Иқбол Қўшишаева



КИМ ЮРТ УЧУН МЕДАЛЬ ОЛСА – МЕНДУРМАН ЎШАЛ

Париж олимпиадасида спортчиларимиз 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини кўлга киритишиб, умумжамоа хисобида 206 давлат вакиллари ўртасида 13-ўринни эгаллашиди. Юртимиз тарихида янги зархал сахифани очган олимпияларимиз Тошкент халқаро аэропортида кенг жамоатчилик томонидан кутиб олини. Тантаналар Миллий Олимпия қўмитамиизда давом этди, олимпиада совриндорларига Президентимиз совғалари – пул мукофотлари, автомобиль ва хонадон қалитлари топширилди.

Қадим-қадимдан олимпиада ғолибларида юритида хурмат-эхтиром кўрсатилган, катта мукофотлар берилган. Лекин спортчи олимпиадада мукофотларни кўзлаб эмас, аввало юрти шаъни, ўзининг спортчилик ори учун майдонга тушади. Бундай эзгу эътиқодга содик спортчилар эса, албатта олимпиада медалига сазовор бўладилар. Шу боис хозир олимпиада ҳавоси билан нафас олаётганимиз учун атоқли шоиризиз Мақсад Шайхзоданинг машхур мисрасини “Ким юрт учун медаль олса – мендурман ўшал” деб ўзгартирдик.

Айнан юқоридаги қанотли сўзларга қатъий амал килган кубалик оғир вазнли юонон-рум кураши устаси, 40 ёшли Михайн Лопес Нуњес Париж олимпиадасида ғолиб чиқди ва кетма-кет бешинчи бор Олимпия чемпиони бўлди. У қаторасига бешта олимпиадада ғалаба қозонган спорт афсонаси сифатида шарафланди. Аммо уни бошқа фазилати кўпроқ хурмат-эхтиромга лойик. Кубаликка қанча давлатлар катта мукофотлар ваъда қилишиб, ўз фуқаролигини бермокчи бўлишиди. Михайн ўз юрти учун олимпиада медали олишини афзал кўрди. Иқтисадий қийин вазиятга тушганда олтин медалини катта пулга сотиб олмоқчи бўлишиди, у медаллари ўзидан кўра кўпроқ Кубага тегишли эканини айтди. Шу боис юрти учун олимпиада медали олганларнинг биринчи қатрида кубалик Михайн Лопес Нуњес туради.

Эсимизда, юонон-рум курашида россиялик Александр Карелин уч карра Олимпия чемпиони бўлганда “Енгилмас рус айғи” номи билан шуҳрат қозонганди. У 2000 йили Сидней олимпиадасида тўртинчи бор Олимпия чемпиони бўлмоқчи эди. Аммо олимпиада финалида американлик Гарднерга ютқазиб қўйганди. Михайн эса тўрт марта эмас, нақ беш карра Олимпия чемпиони! Унинг олимпиада натижаларига ҳам, инсоний фазилатларига ҳам фахат ҳавас қилишимиз керак.

АҚШ баскетбол мактабининг шуҳрати оламга кетган. Баривир, аёллар жамоаси билан Париж олимпиадасида қаторасига олтинчи бор Олимпия чемпиони бўлган 42 ёшли Дайана Таурази муваффақиятини алоҳида таъкидлашимиз керак. Чун-

ки АҚШ баскетбол терма жамоаси сафига кетма-кет олти марта чақирилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун Дайана қанча меҳнат килди, ёлғиз ўзи билади. Олимпиадада оғир атлетиканинг энг оғир вазнли спортчиларнинг натижалари барчанинг диққат марказида бўлади. Грузиялик оғир атлетикачи Лаша Талахадзе Париж олимпиадасида 470(215+255) кг тош кўтариб ғалаба қозонди, кетма-кет шу вазнда учинчи бор Олимпия чемпиони бўлди ва дунё нигоҳини ўзига, Грузияга қаратди. 31 ёшда бўлган Грузия полвони ҳали келгуси олимпиадаларда ҳам юрти учун олтин медаль олади.

Кимдир 23 карра Олимпия чемпиони ҳам бор, дейиши мумкин. Тўғри, АҚШнинг машхур сузувиши Майл Фелпс 23 карра Олимпия чемпиони хисобланади, яна унинг 3 та кумуш, 2 та бронза медали ҳам бор. Лекин у тўртта олимпиадада саккизтагача мусобақаларда қатнашган ва медаллар олган. Кубалик курашчи олимпиадаларда битта мусобақада кетма-кет бешта, американлик баскетболчи кетма-кет олтина олтин медаль олишган. Улардаги катта фарқ шунда. Санайверсак, олимпиадаларда бир неча турида қатнашиб, Олимпия чемпионлари бўлганлар кўп. Масалан, Париж олимпиадасида франциялик сузувиши Леон Маршан 4 карра Олимпия чемпиони бўлди, ёшимиасига битта бронза медалини кўлга киритди. Яна етти нафар спортчи Париж олимпиадасининг ўзида уч карра Олимпия чемпиони бўлди. Юрти учун олтин медаллар шодасини тақдим этган барча спортчилар хурмат-эхтиромларга муносаби.

Дарҳақиқат, спортчилар учун Олимпия чемпиони бўлишдан ортиқроқ баҳт йўқ. Улар олимпиада олтин медали баҳосини пул билан ўлчашмайди. Сербиялик теннисчи Новак Жокович 16 йил Олимпия чемпиони бўлиш учун ҳаракат қилди. Ҳолбуки, у 24 карра “Улкан тож” мусобақаси ғолиби, яна 74 та нуфузли мусобақада ғалаба қозонган. Унда ҳар қандай теннисчи орзу қиласиган унвонлар бор, фахат олимпиада олтин медали йўқ эди. Новак Париж олимпиадасида ғолиб чиққанида шунчалик хурсанд бўлдик, бу ғалаба учун ўзига бериладиган 200000 АҚШ доллари мукофот

пулини ҳайрия ишларига сарфлашини эълон қилди. Ахир, у ўзининг энг муҳим вазифасини бажарди – юрти учун олимпиада олтин медалини тақдим этди.

Олимпиадада олинган ягона олтин медалнинг қадри баланд бўлар экан. Покистонга Париж олимпиадаси олтин медалини олиб келган найза улоқтирувчи Аршад Надимни давлат расмийлари ҳозирча бир миллион 435 минг АҚШ доллари билан тақдирлашиди. Қозғистонда эса Париж олимпиадаси олтин медалини олган дзюдочи Елдос Сметовга давлат томонидан мукофот учун белгиланганган 250 минг АҚШ доллари, ёшимиасига қиймати 165000 доллар автомобиль, ўзи туғилган Тароз шаҳридан беш хонали уй ва 5500 доллар берилди. У умр бўйи 785 доллар (369 минг тенге) ойлик тўлов олади, яна 100 та зотли от уюри ваъда қилинди. Эсимда, қозғистонлик эркин курашчи Нурислом Санаев Токио олимпиадасида кўлга киритган бронза медали учун давлат томонидан берилиган мукофот пули – 70 минг АҚШ долларини тўлиғича мухтоҷ оиласларга ва касал болалар даволаниши учун ҳайрия қилганди. Ҳақиқий спортчи шундай бўлади, ўзини вояга етказган, кўллаб-куватлаган ҳалқига миннадорлигини шундай билдиради. Унинг учун муҳими, Қозғистон учун олимпиада олибкелгани эди!

Ибратлиси Буюк Британия, Янги Зеландия, Норвегия каби мамлакатларда спортчилардаги тамагирлик иллатини илдиз-пилдизи билан йўқотиш, улардаги эл-юртга садоқат билан хизмат қилиш фазилатини янада мустаҳкамлаш учун давлат томонидан олимпиадада кўлга киритиладиган медаллар учун ҳеч қандай мукофот пуллари белгиланмайди. Ахир, олимпиадага кетаётган боксчига 200000 доллар бераман, олимпиададан олтин медалини олиб келасан, яхиси, 400000 доллар ол, иккита олимпиада олтин медалини олиб кел, деб айтиб бўлмайди-ку. Бироқ, шу нарса аниқ: юрти учун олимпиада олтин медали олиш учун майдонга ёниб чиқкан спортчи енгилмайди! Ҳали бизнинг спортчиларимиз ҳам келгуси олимпиадалардан кейин жўровозликда “Ким юрт учун медаль олса – мендурман ўшал” кўшигини дунёнинг ҳар буржидида эшитиладиган тарзда куйлашади.

Ҳа, олимпиадада медаль олишни спортчининг ори-ғурури, ўз юртига садоқат билан хизмат қилиши, руҳий ва жисмоний бардамлиги ҳал қиласиди. Юртимизда ана шундай ори-ғурури баланд, ватанпарвар, руҳан ва жисмонан бардам спортчиларни тайёрлашга эътиборимизни қаратайлик. Шунда ҳар тўрт йилликнинг нуфузли мусобақаси хисобланмиш олимпиадаларда медалларимиз сони янада кўпроқ, яна да сифатлироқ бўлади.

**Асрор МЎМИН,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист**



ЧИН
РОСТЯША,
ЯША!

ёхуд саратонни қандай енгиб ўтдим?

Менга рак (саратон) касаллиги ташхисини кўйган врач зудлик билан даволаниш чорасини кўришимни айтди. Агар вақтни ғанимат билиб ҳаракат қилсан, бу касаллиқдан соғайиб кетишга умид қилиш мумкин экан. Акс ҳолда ҳар бир ўтаётган сония ўлим томон бориши ҳақида огоҳлантириди.

Кутилмаган бу хабардан нафақат мен, балки бутун оиласиздагилар ўзимизни буткул йўқотиб кўйдик. Вахима, кўркув ва хавотирларимизни жиловлаб даволанишиш бошлагуни мизча ҳам анча вақт йўқотдик.

Биз икки танлов орасида қолдик. Онкология бўйича шифохонада ётиб химия терапия олиб ёки табиба учраб ҳар хил гиёхлар ёрдамида даволаниши.

Мен шифохонада химия терапия олиб даволанишга қарор қилдим. Республика онкология бориб жойлашганимда бўлимдаги беморларнинг юзлари сўлғин, нигоҳлари маъюс, бошлари тақир кал эди.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, шифокорлар тўрт курс кучайтирилган химия терапия ёзди. Шундай қилиб, ҳар йигирма бир кунда етти кун давомида, етти соатдан осма укол ёрдамида химияни томирим орқали бутун вужудимга юборадиган бўлди.

Ўйғур миллатига мансуб ҳамшира Оля опа ҳар куни эрталаб 800 граммлик саккиз-тўққизга идишда химиявий моддалар қўшилган дори тайёрлаб, осма уколни томиримга улади ва кун давомида химиянинг конга кетишини ва менинг ҳолатимни назорат қилади. Кечки соат беш-олтига бориб осма уколлар тугайди. Бошидаку уччалик билинмади, лекин уччинчи-тўртинчи кунларга бориб уйқу ҳам, иштаҳа ҳам йўқолди, батамом қувватсизланиб ҳолдан тойиб қолдим.

Дўхтирлар қувват олишинг керак, иштаҳаңг ҳоҳлаган нарсани егин дейди. Кани энди бу иштаҳа деганлари ниманидир тусай қолса. Лоақал бир қошиқ овқатни ҳам малол билан қабул қилади. Озгина меъёдан ошдими ошқозоним «жазолайди». Бора-бора сувни ютиш ҳам машаққат бўлиб қолди. Каракт бир ахволда тентираб юришни айтмаганда, одам зоти тўрт-беш кун туз тотмай, мижжа қокмай ҳам яшаши мумкин экан. Бунга ўз тақдирим мисолида амин бўлдим.

Биринчи курс химиядан кейин соchlарим шовуллаб тўкилиб бошим тақир калга айланди. Кипригим ва қошларимгача мени тарқ этди. Кўз ўнгингда дод-фарёд чекиб азобланаштган беморлар, касаллиги кучайиб кетиб даводан умид узиб уйига қайтаётганларни кўриб юракда вахима, қалбда кўркув ортарди.

Буни сезган дўстлар, яқинлар меҳр кўрсатар, келажакдаги яхши кунлар ҳақида гапириб мени ҳаётга, яшаб



ди-ку боланинг кўнгли сезир бўлади деб.

Шифохонага бориб ётиб ўйладим. Агар операциядан яхши чиқмайдиган бўлсан-чи?! Мендан кейин яқинларимнинг ҳоли нима кечаркин? Вақт ҳамма нарсага даво. Ҳаммаси турмуш ташвишлари билан андармон бўлиб Яратганинг тақдирни эканда дея кўнигади, кунимаган, кўнмаган борми? Лекин йиллаб кутиб фарзандсизлик сабаб биринчи турмушини бой берган, кўз ёшларини сел қилиб худодан тилаб-тилаб иккинчи турмушидан мени дунёга келтирган онамнинг ҳоли нима кечаркин? Ҳали икки ёшга тўлиб улгурмаган ўғлимники-чи? Ўғлим туғилгач «меҳр кўришдан кўра, меҳр бериш» ортиқроқ баҳт эканлиги хис қилиб яшаётган баҳтли ота эдим. Унинг болалик хотираларининг қайсицир нуктасида менинг қиёфам сақланиб қолармикан? Улғайгач мени эслолармикан? Саволлар кўп...

Операцияга киришдан олдин кўнглим тоғдек кўтарилди. Барақа топишсин, курсдошларим мадад бўлгани келишибди. Оиласидагилар дўстларим, яқинларим билан хайр-хўшланиб операцияга кирдим. Наркознинг уколи шунаёнгани катта экан, умримда биринчи бор кўришим эди. Кўркиб кетдим. Елкамдан укол килиб катта томиримга тушди. Шу жараён ҳам қийин бўлди.

Наркоз таъсир қилган инсон бутунлай оғрикларни сезмаслиги керак менимча, лекин мен танамда бўлаётган барча жараёнларни билиб, оғрикларни сезиб, дўхтирларнинг сухбатларини узуқ-юлуқ эшишиб ётдим. Фақат ҳаракатларим бутунлай чекланди. Ҳаттоқи врачлардан бири наркоз таъсири тарқаятими деб кўзимни очиб қараганда қорашибини кимирлатиб ҳам қўёлмадим. Мирзаголиб Тиллашайхов, Шерали Ҳасанов ва Раъно Тиллашайховалар бошчилигида хавотирли операция омадли якунланди.

Яратгана шуқр. Кучли оғрикларни айтмаганда операциядан яхши чиқдим.

Бир сутка жонлантириш бўлимида ётдим. Эртаси куни тонгда гарчанд мумкин бўлмаса ҳам онам ва ўғлимни киришига рұксат берибди. Наркознинг таъсиринда каҳаҳтман. Ўғлимни озгина эркалдим. Онам жуда яхши кайфиятда эди. Ўлмай қолганим учун Худога шукрлар айтиб тўхтамасди...

Хуласаларим: азиз умрини шамолларга совуриб, ҳаётни қадрламай, тириклик максадини англамай, имкониятлардан фойдаланмай ўзини хор-абгор қилиб, шунга кўниб яшаб ўтаётганлар учун ачиндим.

Чин яша, рост яша, ёлғонлардан, сохталиклардан ҳоли яша. Ҳалол бўлиб, яқинларингни қадрлаб, вазифангни севиб, масъулият билан бажариб, қалбининг поклаб, одамларга яхшилик қилиб, меҳр бериб, ҳал лаҳзадан завқланиб яшаёлсанг, демак умринг бехуда ўтмабди. Агар аксинча бўлса...

Қалбинизни орзуларга тўлдиринг, шунда ёмонликларга жой колмайди. Аслида ўша буюк орзулар мени бу бедаво дард чангалидан суғуриб олди...

Завқиддин НАСИМОВ

янинг бош шифокори Тиллашайхов деган киши муваффакиятли қила олиши мумкин экан. У кишининг операциясига ёзилишнинг эса ўзи эмас. Ўйлаб-ўйлаб аёлимнинг каттароқ лавозимда ишлайдиган бир таниш опасига илтимос қиласидиган бўлдик. Бориб масаламизни айтгандик, ўша захоти Тиллашайховга телефон қилиб, ишимизни ҳал қилиб берди.

Эртаси куни Тиллашайхов операциядан бўшамади. Бизлар эр-хотин иккalamиз кун бўйи фақат яхши нарсалар ҳақида гаплашдик. Яхши орзулар қилдик. Кунимиз жуда мазмунли ўтди. Кейинги кун тонг отиши билан Аллоҳга таваккал қилиб, яна йўлга отландик. Хайриятки, ўша куни қабул қилди. Анализ натижасига қараб пешонаси тиришиб ўйланиб қолди. Анча жиддий экан, кўп қон кетиши мумкин, дея менга хонасидан чиқиб туришимни айтди ва қолган гапларни аёлимга тушунтириди.

Мен бўлсан худди операциядан қайтиб чиқмайдигандек кўркиб кетдим. Кетар олдидан яна кириб умид ва илтижо билан юзланиб яшаб кетаманми, ўлим хавфи қанчалик юқори, деб сўрадим. Врач аввал биз коринни ёриб асл ҳолатни кўришимиз керак, ҳаммаси операциядан кейин аник бўлади, дея мавхум жавоб берди. Кўл-оёғим бўшашиб караҳт бўлиб қолдим. Даҳшатли кўркувдан юрагим музлаб кетди. Миямда шафқатсиз бир савол айланарди. Наҳотки бу дунёдаги сафарим охирлаб қолган бўлса, умр учун берилган муддат шунчалик қисқа, мен кутган буюк келажак, буюк орзулар ҳамма-ҳаммаси шу ергача, шу бугунги кунгача бўлса? Бутун инсониятни ўйркувга соладиган бу дард тақдирнинг устидан голиб келган бўлса? Иродам ожизланиб, қадим букилиб, руҳиятим синиб умидсизликка тушиб қолдим.

Операциядан бир кун олдин кун бўйи ўй-хаёлларим, савол-сўрокларим, хавотир-хуласаларим билан юрдим. Кечга рұксат олиб уйга бордим.

Ўша куни тун буйи ўғлим билан ўйнадим. Унга бор меҳримни бердим у менга ортиғи билан баҳт қилиб қайтарди. Менга қўшилиб онам, аёлим, ўғлим ҳам ухламади. Ҳаммамизнинг кўнглимиздаги ягона максад бир-биримизнинг дийдоримизга тўйиб олиш. Ҳузурланиб сухбатлашдик. Аввало ўғлим, кейин эса кўзлари тўла умид бўлган яқинларим учун ҳам яшашим, тирик қолимиз керак дейман. Лекин қани эди бу менга боғлиқ бўлса?

Эрта тонг уйдан чиқаётганимда онам чидаб туролмай йиглаб юборди. Аёлим ўзини зўрга тийиб турибди. Ўғлим бу сафар йиглаб қолди. Ичимдан бир нарса узилди. Наҳотки у ниманидир сезаётган бўлса. Айтиша-



Яқдимлик – таракқиёт тантинаси

(Бошланиши 1-саҳифада)

Улуг шоир Махтумқули ибораси билан айтганда, «офиз олалик айирав элни бирликдан». Дарҳақиқат, биргалик ва бирдамлик ва бардамликнинг хикмати ҳам шунда. Халқнинг ҳаёт тарзи, яшаш шароити кундан-кунга яхшиланиб бораркан, бу аввало, испоҳот ва олиб борилаётган сиёсатларнинг умидбахшигидан нишондир.

Президентимиз Қорақалпоғистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш юзасидан ўтказилган йиғилишда худди шунга монанд мулоҳазаларни алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмас.

– Кўриб турибсизлар, қорақалпок заминида яшаб, ишлаётган одамларнинг эртаси бугунидан яхши бўлиши учун катта мэрраларни олганмиз. Бунинг учун ҳамжиҳат бўлиб, олдимизда турган қийинчиликларни енгиб ўтиш учун биргаликда ҳаракат қилишимиз шарт ва зарур. Максадимиз битта – азалдан дўст-кардош, оға-ини, куда-анда бўлиб яшаётган ўзбек ва қорақалпок оиласарининг тинч ва фаровон, баҳтли ҳаётини таъминлаш. Қилаётган барча ишларимиз, келгусида амалга оширадиган улкан режа ва дастурларимиз замирида айни шу мақсад ётиди.

Табиийки, бу эзгу ғоя, ташаббус ва интилишларнинг қўллаб-кувватланиши билан чамбарчас боғлиқ. Иккى элнинг яқдиллигини Президент теран ва туташ томирлари бир бўлгани билан изоҳлаб ўтди. «Ўзбек ва қорақалпокнинг тарихи ҳам, тақдирни ҳам бир. Ва мен ишонаман, бизнинг ёруғ, баҳтли келажагимиз ҳам албатта бир бўлади.»

Ушбу умид ва ишончни Президентимизнинг Кегейли туманидаги ёшлар билан мулоқотида ҳам яққол кўриш мумкин. Ёшлар ўз таклиф ва мулоҳазаларини дадиллик билан билдиришди. Айниқса, сухбатнинг самимилигини қорақалпок ёшларидан бирининг тўй тарафдуди ҳақидаги мулоҳазаларига муносабат билдириб, мутасаддиларга тўйни кўнгилдагидек ўтказиб, Президент совфасини тақдим этишларини ҳам топширганидан билиб олиш мумкин.

Президент ёшлардаги ишонч ва жасоратни кўриб руҳланди. Булар билан Янги Ўзбекистонни биргаликда қуриш ва Учинчи ренессанс ғояси тўла амалга ошишига яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

Республикамизнинг барча худудларидан 300 га яқин энг кўзга қўринган тадбиркор ва инвесторларнинг Қорақалпоғистонда тўпланиши, хорижда бизнесини йўлга қўйган яна 40 дан зиёд ватандошларимиз келиб, Қорақалпоғистон шароити билан тани-

шиши, худудий студияларда мингдан ортиқ бизнес вакиллари иштирок этиши замирида ҳам ана шу ҳақиқат мавжуд.

Шунингдек, тадбиркорлар билан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди. Ҳар бир туман кесимида “Қорақалпоғистонда бизнес қилинг” дастурини ишлаб чиқиш топширилгани ҳам айни муддао бўлди. Бу дастур Қорақалпоғистонда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматларни ривожлантириш учун янги нафас, камида 10 миллиард долларлик инвестиция ва 500 минг иш ўрни учун катта замин бўлиши ҳам уқтирилди.

Тадиркорлар билан учрашишнинг айнан Қорақалпоғистонда ташкил этилишининг, имкониятларининг учта устунлиги қайд этилди.

Булар бизнес учун бирорта худудда ўйқ имтиёзлар пакети қилиб берилга-

стоннинг барча туманларида, овулларида бўлиб меҳнаткаш ҳалқ билан мулоқотлар ташкил этдик. Давлатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги олдидан ўтказилган ушбу тадбирларда қорақалпоклик қадрдонларнинг хуш табиати, олижаноб фазилати ва кўтарикин кайфиятини кўриб руҳландик. Бунёдкорлик ишлари ва курилишлар ҳалқ онгидаги бурилишлар билан уйғулигидан мамнун бўлиб қайтгандик.

Қорақалпок ҳалқининг манзур адиллари Ажиниёнзинг ўтли шеърлари, Бердақнинг «Йигит бўлсанг арслон каби туғилган доимо сен хизмат қилгина ҳалқ учун» деган дъяватлари, Тўлипберган Қайипберганов, Ибройим Юсуповларнинг тарбиявий-маърифий ўғитлари биз билан ҳамроҳ бўлди, десак, асло муболага бўлмайди. Қорақалпок маданияти ва санъатига эътибори юқори бўлган давлатимиз

Президент ёшлардаги ишонч ва жасоратни кўриб руҳланди. Булар билан Янги Ўзбекистонни биргаликда қуриш ва Учинчи ренессанс ғояси тўла амалга ошишига яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

ни, иккинчиси, ер ажратишнинг содатизими жорий қилингани бўлса, учинчиси, Қорақалпоғистон – бу Янги Ўзбекистоннинг дарвозаси экани, катта бозорларга чиқиш учун энг қулай худуд эканлигидир.

Таассуфки, тадбиркорлар бундан тўлиқ фойдаланмаётгани танқид қилинди. Ишнинг кўзини биладиган инсон юқорида таъкидлаганимиздек, ташаббускорлик ва ташкилотчиликни кўлида байроқ қиласди. Агар улар ташаббус кўрсатганда эди, хом ашё «Довуд-ота» постидан олиб ўтилса, Сарифочга нисбатан масофа 1 минг километрга, транспорт харажати эса 25 фоизга камайишини англаб олган бўлишарди. Худди шунингдек, агар импорт хом-ашё Қорақалпоғистонни ўзида қайта ишланиб, тайёр маҳсулот қилиб, экспортга чиқариладиган бўлса, ташишдан иктисол қилинган маблаг 2 карра ошган бўларди.

Айрим туман ҳокимларида ҳам инвесторлар масаласида ташаббускорлик ва ташкилотчилик етарли бўлмагани аниқ. Тасаввур қилинг, ана шу фаолиятнинг икки қаноти ишлагандан эди, йил бошидан Бўзатов, Беруний, Қораўзак, Кегейли, Мўйноқ, Тахиатош, Тахтакўпир, Хўжайли ва Шуманайдада инвестиция 5 миллион долларга ҳам етмай қолмас эди.

Биз якинда бир гурӯх маърифат тарғиботчилари билан «Маънавият фестивали» доирасида Қорақалпоғи-

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бошмуҳаррир Мақсад ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буортма раками Г-810

Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Коғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табок.

Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига
2006 йил 0010-ракам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъуль.

Маълумот учун телефонлар:
99-791-43-23
99-994-70-52
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiat@mail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Журналистниң мәйнавиý бурчи



Таниқли журналист, мөхир муҳаррир Ҳусан Эрматовнинг бадиий-публицистик мақолалар, сүхбат ва шахсий муроҳазалардан иборат тўпламига сўзбоши ёзига чоғланар эканман, гапни нимадан бошлиши хусусида бирор ўлтариб қолдим. Баъзан оддий сўзбоши ҳам анча вақт олади. Чунки қозонда бир нима бўлса чўмичга чиқади-да. Бу гал акси бўлди – чўмич тиқилиб қолди. Журналистика соҳасида ўтказган йилларим, умрининг кўп қисмини фидойиши билан шу касбга багишлаган заҳматкаши ҳамкасларим, уларнинг турфа хил тақдирлари кўз ўнгимдан ўтди. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, Ҳусанбойнинг янги китоби баҳона дилимдаги баъзи муроҳазаларимни айтиб олсанчи!?



Журналистика ижодий фаолиятнинг фавқулодда фаол, масъулиятли йўналиши, кўплар қатори мен учун ҳам асосий касб. Касб бўлганда ҳам, бир умр ўрганадиган, адогига етиб бўлмайдиган касб. Бундан бир неча йиллар аввал ёш муҳбирлардан бирининг саволига жавоб қайтарар эканман, “Журналистика бир умр талаба бўлишини тақозо этади”, деган эдим. Ҳозир ҳам шу фикрдаман. Негаки, ҳар куни ҳаётнинг янги-янги сабокларига дуч келаман. Биттасига бепарво бўлсангиз, кўп нарсадан қолиб кетасиз.

Матбуотда анча-мунча ишладим, тажриба ортиридим, бироқ ҳаётда юз берётган ўзгаришлар, дунёда кечачётган жараёнлар, одамлар онг-тафаккуридаги эврилишлар нечоғли зукко бўлманг, тинимсиз ўқиб-ўрганишни, воқеликларни кузатишни, бадиий ифода маҳоратини муттасил ошириб боришни талаб этади. Шоир ёки ёзувчи бирор асар устида ишлар экан, бадиий тўқима унсурларидан бемалол фойдаланиши, хаёлтотга берилиши мумкин. Журналист бўлса фақат аник, исботли факт, воқеа-ходи-саларнинг асл тафсилотига, шахсий кузатуви, тафаккурий идрокига таянади, таҳмин-таваккал йўл тутиши, гумон-шубҳа, миш-миш таъсирига тушиши мумкин эмас.

Баъзан “Журналистика яхши касб-ку, бироқ супраси сал куруқроқ-да”, деган гаплар ҳам қулоқка чалинади. Бунга бирор қўшилади, бирор қўшилмайди. Бу муаммони Алишер Навоий бобомиз ўз вактида: “Калам тўйидиради, аммо бой

килмайди”, деб ҳал қилиб қўйганлар. Супранинг ҳўл-куруқлигини ҳар ким ҳар хил тушунади. Журналист ўз ҳаётини одамларнинг муаммолари билан шуғуланишга, янгиликлар, эзгу ишлар тарғиботига сарфлайди, шу ишидан ҳузур-халоват топади. Босмахонадан янги чиқкан газета хиди вужуд-вужудига сингиб кетган тажрибали журналист ҳам бирор нашрда мақоласи чиқса, болалардай яйраб кетади, касбдошларидан, муҳлислардан илик бир гап кутади. Буни бир тасаввур қилинг-а!

Журналистика, бадиий адабиёт каби, инсон, унинг ижтимоий-маънавий олами, онг-тафаккури, манфаати, ҳақ-хуқуки, шаъни, кадр-киммати тўғрисида баҳс юритади, журналистдан эркин фикрлашнинг, соғлом мунозаранинг холис минбари бўлиш талаб этилади. Матбуот ҳеч қачон кимнингдир таъсирига тушиб қолмаслиги, ўч олиш, йўлини тўсиш воситасига айланмаслиги зарур.

Миллий тараққиётга юз тутишнинг муҳим шарти, матбуот нуқтаи назаридан қараганда – эришилган ютукларни холис баҳолаш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни профессионал таҳлил қилиш, сабаб ва оқибатларини ўрганиш, ҳар бир ҳолатни ўз номи билан аташ, тақрор хато қилмаслик йўлларини белгилашдан иборат. Шундай қилинсагина жамият ривожланади. Жамиятнинг холис кўзгусига айланишнинг бошқа йўли йўқ. Шов-шув кўтариш учун ёзиладиган эҳтиросли, кимнингдир шаъни-гурӯрига тегиб кетадиган буюртма мақолаларнинг, тўқима фельветонларнинг даври ўтди. Гап танқидий муроҳазанинг таъсиричанлиги, холислиги, эзгулика хизмат қилишида. Бугун “Нега матбуотда фельветон кўринмай қолди?” деган саволга тез-тез дуч келамиз. Бунда савол берувчilarнинг айримлари сабиқ тузум пайтидаги буюртма “ур тўқмоқ” чиқишиларни, фош қилувчи айномаларни кўзда тутишиади. Бугунги матбуот бундай ҳукмфармолик билан шуғулланмайди, энди у жамоатчиликнинг эркин минбари, унда факат бир томоннинг эмас, бошқа томоннинг фикр-муҳоҳазалари, танқид ва таклифлари ҳам бўлиши керак.

Журналистикада хабардорлик, маҳорат, тил бойлиги, мавзуни пухта билиш, фикрни таъсиричан ифодалаш билан бирга, ижодкорлик, фуқаролик журъати ҳам талаб этилди. Бу фазилат муҳаррирлар ва бошқа мутасаддилар томонидан кўллаб-куватланса, ижодкорнинг шашти кайтарилимаса, матбуот ўқиши

ва таъсиричан бўлади.

Нега шундай деяпман? Бугунги дунё, жамият, бугунги ўқувчи, унинг онг-тафаккури кечаги даражадан кескин фарқ килади. Хабардорлигимиз ошган, окни қорадан, бўлар ишни бўлмас ишдан фарқлай оладиган, коса тагидаги “нимкоса”да нима борлигига фаросатимиз етадиган даражадамиз. Энди жамиятта ҳам, оддий газетхон ёки журналхонга ҳам аник фикр, мантикий мушоҳада, профессионал таҳлил, жиддий кузатув керак. Аввалги “алла”лар билан иш битмайди. Бугунги журналист, публицист, бош муҳаррир олдида айни шу мураккаб, аммо бажарса бўладиган вазифа турибди. Буларсиз ўқувчи ишончини қозониш қийин.

Албатта, журналистикага кириб келаётган ёки аллақачон кириб келган ва шу майдонда тер тўқаётгандарнинг ҳаммасига ҳам бундай талаб қўйиб бўлмайди. Бошқа соҳаларда, масалан санъатда бўлганидек, журналистикада ҳам профессионаллик билан ҳаваскорлик аралашиб кетди. Бундай вазиятда соҳага шунчаки қизиқиши билан қарайдиганлардан эмас, “баданида” нимадир борлардан кўпроқ нарса талаб этилади. Шундайлардан бири таникли қаламкаш, маҳоратли публицист, ташкилотчи мухаррир Ҳусан Эрматовdir.

Ҳусан Эрматов журналистикага нега кириб келганини аник-тиник ҳис эта-диган, вақтини бекор ўтказмайдиган, бир нима кораласа, аввало ўзини, сўнг ўқувчини ҳам бирдай кониқтирадиган фикри, мушоҳадаси бор, гоҳ кимнидир, ниманидир кўллаб-куватлашга, гоҳ рад этишга қодир ва бунга ҳақли, шунга яраша журъат ва ижодий маҳоратга эга ҳамкасларимиздан бири. Унинг муҳбирлик, муҳаррирлик, муаллифлик, бунга яна кўшимча – ташкилотчилик фаолияти кўз ўнгимизда шаклланди. Бу жаравён бугун ҳам давом этмоқда.

Чинакам журналист жамиятнинг юрак уришини, одамлар онг-тафаккуридаги эврилишларни, бўй кўрсатмай, овоз чиқармай илдиз отаётган, турмуш тарзимизга сингаётган иллатларни, бепарволик, ҳафсаласизлик оқибатларини бошқалардан кўра бир зум аввал кўра олади. Ҳамма гап – мана шу кўра олишда. Бўладиган иш бўлиб, бўёғи синганидан кейинги оҳ-нолалардан фойда йўқ. Қалб қўзи очик журналист касал хуруж килмай туриб, вақт ва имкон борида бонг уриши, огоҳликка чорлаши зарур. Ҳусан Эрматов қаламига мансуб мақолаларни ўқиб бораётган, телекўрсатувларда билдирган, билдири-

ётган салмоқли фикрларидан хабардор киши унда айни шу фазилат – олдиндан кўра олиш қобилияти мавжудлигига амин бўлади. У кўпинча бошқа касбдошларимиз эътибор бермаётган, қаламга олишга чўчиётган, айланиб ўтаётган мавзуларга кўл уради. Айтадиган гапни дангал-дангал айтади-кўяди.

Биргина мисол: бир масъул ходимнинг газета-журналларга обуна ташкил этиши билан боғлиқ масъулиятсиз гапи йиллар давомида шаклланган тартиб-қоидани ёмғирсиз булутдай паронканда қилди. Бошқа бир киши раҳбар сифатида газета-журнал ўқимаслигини намойишкорона баён қилиб, шундок ҳам чирслилаб турган оловга мой сепди. Ҳусан Эрматов бундай ҳолатда жим туриши мумкинми? Йўқ, асло. У соҳага деярли алоқадор бўлмаган “мутахассис”ларнинг бундай номакбул қарашларига муносиб жавоб қайтарди, обуна ташкил этиш умумдавлат манфаатларига мос иш эканини исботлаб, ўзининг фаол, куюнчак журналист сифатидаги маънавий бурчини адо этди.

Фақат шу эмас. Бугунги босма нашрлар орасида “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари ўзининг салмоқли сўзи, тиник позицияси, чуқур ва журъатли таҳлиллари билан бошқа нашрлардан алоҳида ажралиб туради. Газетани бундай даражага кўтариш бир кунлик ёки бир ойлик иш эмас. Ҳусан Эрматов ўзи билан бирга газета жамоаси, фидойи муаллифларни ҳам янги сифат босқичига кўтарди. Тахририятда ўзига хос ижод мактаби юзага келди.

Ҳа, дарвоке, тўпламда яна бир эътиборли “янгилик” бор. Бу Ҳусан Эрматовнинг жамиятдаги турли воқеликларга ўйғоқ назар билан билдирилган муносабатларидир. Бугун журналист кўп қиррали шахс бўлиши тақозо этилаётган бир пайт ва буни тъеран англа-лан муаллифнинг ижтимоий тармқолар орқали яқин йиллар давомида жамиятда юз бераётган турли воқеа-ходисаларга ўйғоқ назар билан ёндашуви, уларга ўзининг жасоратли, асосли, мантикли муроҳазалари билан муносабат билдириб бориши таҳсинга лойик, деб ўйлайман. Муҳими, бу муроҳазалар масалалар моҳиятини чукурроқ англаш, уларни тушунишда оддий ўқувчи, Ҳусан Эрматовга қулоқ тутадиган юзлаб ёшлар, замондошлар учун ғоят фойдали. Бу ҳам хақиқат.

Ушбу тўпламни жиддий мутолаа қилган ўқувчи бунга, шубҳасиз, ишонч хосил қиласи.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист